

И. С. ТУРГЕНЕВ

МУМУ



Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Еш гвардия» нашриёти  
1985

84P  
T 85

4803010101—8  
T 356 (04)—85 116—85

- © Издательство «Еш гвардия», 1980,  
(гаржима, безак)
- © Издательство «Ўқитувчи», 1974.
- © Издательство «Еш гвардия», 1985.

**M Y M Y**

---





Москванинг хилват кўчаларидан биридаги устунлари оқ, болохонадор, балкони хиёл қийшайиб турган кулранг уйда бир вақтлар бева бой хотин яшарди, унинг кўпгина хизматкорлари бор эди. Унинг ўғиллари Петербургда хизмат қилар, қизлари эса эрга тегиб кетган эди; у бирор жойга камдан-кам борар, зиқна ва руҳсиз қарилигининг сўнгги йилларини якка-ёлғизликда ўтказарди. Унинг шодлик ва ёруғликдан маҳрум куни аллақачон ўтиб кетган, оқшоми эса зимистон кечадан ҳам баттар эди.

Унинг ҳамма хизматкорлари орасида энг яхшиси Герасим деган қоровул бўлиб, бўйи салкам уч газ, қадди-қомати баҳодирона, онадан гунг ва кар бўлиб, туғилган киши эди. Бой хотин уни қишлоқдан олиб келган эди. Герасим қишлоқда ака-укаларидан айрим, якка ўзи кичик бир уйда яшар ва мажбурият бажариб, ўлпон тўлаб турадиган деҳқон ҳисобланарди. У ниҳоятда бақувват одам эди, бир ўзи тўрт кишининг ишини қиларди — у қўл урган иш ўнгаверарди. У забардаст қўллари билан омовни босиб

қўш ҳайдаганида гўё омов отсиз ўзи ер бағрини тарс ёриб бораётгандек туюлар, ёки Пётр куни шиддат билан чалғи тортиб ғалла ўрганида худди ёш қайин дарахтини таг-томиридан қўпориб ташлагандек туюлар, ёки уч газлик катта тўқмоқни тез ва тўхтовсиз кўтариб уриб, хирмон янчганида унинг узун ва маҳкам елка пайлари худди пишангдек гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб турар эдики, ана шу пайтларда уни томоша қилмоқ жуда ҳам мароқли эди. Доимий сукут унинг шиддатли ишига тантанали улуғлик бахш этиб турарди. У жуда ёқимли йигит эди, гунг-гаранг бўлмаганда ҳар қандай қиз ҳам унга жон деб тегар эди., Аммо Герасимни Москвага олиб келдилар, унга этик олиб бердилар, ёзлик чакмон, қишлик пўстин тикиб бердилар, қўлига супурги ва курак бериб, ҳовлига қоровул қилиб қўйдилар.

Бу янги турмуш аввал бошда унга сира ёқмади. Болалик чоғидан бошлаб у деҳқончилик ишларига, қишлоқ турмушига одатланган эди. У гунглиги орқасида одамларга аралашолмай худди серунум ерда ўсган дарахтдек, тилсиз ва бақувват бўлиб улғайди... Шаҳарга олиб келинган, у ўзида нима ҳодиса рўй бераётганини билолмай, тамом ичи пишди ва сиқилди, қорни барабар кўм-кўк ўт ичида ўтлаб юрган ва эндигина ушлаб олинди, темир йўл вагонига қамаб қўйилган, гоҳ паровознинг учқунли тутуни, гоҳ товланиб чиқаётган иссиқ буғи чор атрофдан гўштор баданига урилиб турган, жаҳду жадал билан шақирлатиб аллақасиёққа,— худо билсин қаёққа!— олиб кетилаётган бақувват буқа нима бўлаётганини билолмай, нақадар довдираса, Герасим ҳам худди шундай довдираб қолди.

Герасимнинг оғир деҳқончилик ишларидан кейин бошланган бу янги вазифаси унга худди ҳазилакам ишдек бўлиб туюлди; у бутун ишни ярим соат ичида саришталаб қўяр, гоҳ ҳовли ўртасида яна серрайиб тўхтаб қолар, бу сирли аҳволининг маъносини ўтган-кетгандан сўрагандек

оғзини очиб уларга қараб турар, гоҳ дабдурустан супурги билан куракни бир томонга отиб юборарди-да, кўкси билан ерга ташланар, худди тутиб олинган ёввойи ҳайвондек соатларча бағрини ерга бериб қимирламай ётарди. Аммо, одам ҳар нарсага кўникади, Герасим ҳам бора-бора шаҳар турмушига кўникди. Унга юклатилган иш кўп эмас эди; унинг қиладиган бор-йўқ иши ҳовлини тоза тутиш, кунига икки марта бочкада сув келтириш, ошхона ва уй учун ўтин келтириш ва ёриб бериш, ҳовлига бегона кишиларни йўлатмаслик, кечалари қоровуллик қилиш эди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, у ўз вазифасини ихлос билан бажарарди: ҳовлида ҳеч маҳал бирон пайраха ва хас-чўп кўринмасди; унинг ихтиёридаги сув ташийдиган қирчанғи от лойгарчилик кезларида бирор жойга ботиб, тортолмай қолса, у орқага ўтиб, елкаси билан арагани итардими, аравагина эмас, отнинг ўзи ҳам турган ўрнидан кўзгалиб кетарди; ўтин ёришга тутиндими, болта чиннидек жаранглар, ўтин парча-парча бўлиниб, тарашалар ҳар тарафга учишарди; ёт кишиларга келсак, бир кун кечаси, у икки ўғрини ушлаб олиб, уларнинг пешоналарини бир-бирига шундай урди, шундай қаттиқ урдик, ҳатто уларни полицияга олиб боришга ҳам ҳожат қолмади, ана шундан бери даҳадагилар ҳаммаси унга ҳурмат кўзи билан қарайдиган бўлдилар: ўғрилик кўчасига сира кирмаган шунчаки нотаниш кишилар куппа-кундуз кўни ўтиб бораётганларида ҳам даҳшатли қоровулни кўрганлари ҳамона, қўл силкар, гўё овозларини эшитадигандек, унга қараб бақиршар эди. Ҳовлидаги бошқа хизматкорлар ундан ҳайиқардилар. Герасим улар билан дўстона бўлмаса-да, яқинлик муносабатида бўлар, уларни ўз кишилари деб биларди. Улар Герасим билан имо-ишоралар орқали гаплашар, у ҳам уларнинг фикрини тушунар, ҳамма буйруқларни аниқ бажарар, лекин ўз ҳуқуқини ҳам биларди, шу сабабдан унинг овқат столига ўтиришга ҳеч ким

журъат қилолмасди. Умуман, Герасим табиати қаттиқ ва жиддий одам эди. Ҳар бир ишда тартиб-саришталик бўлишини севарди; ҳатто хўрозлар ҳам унинг ҳузурида бир-бирлари билан уришишга журъат қилолмасдилар,— акс ҳолда, кўргиликларини кўрардилар!— уришаётганликларини кўриб қолдимиз, шу топдаёқ оёқларидан ушлаб олар ва осмонга кўтариб, чамбарак қилиб ўн марта айлантирарди-да, ҳар тарафга улоқтириб юборарди. Бой хотин ҳовлисида ғозлар ҳам бор эди; лекин, маълумки, ғоз улугсифат ва эсли махлуқ; Герасим уларга ҳурмат кўзи билан қарарди, уларни парвариш қилар ва боқарди; унинг ўзи улугсифат эркак ғозга ўхшаб юрарди. Унга ошхона тепасидан кичик бир ҳужра бердилар, ҳужрани ўз дидига мослаб ўзи тузатди, тагига ғўла қўйиб, дуб тахтасидан ўзига каравот ясаб олди, бу чиндан ҳам паҳлавонлар каравоти бўлиб, юз пуд юк қўйганда ҳам қирс этмайдиган каравот эди; каравот тагида каттакон оғир сандиқ, бурчақда худди каравот сингари маҳкам стол, стол ёнида эса уч оёқли стул турарди, бу стул ҳам шу қадар пишиқ ва зилдай эдики, ҳатто Герасимнинг ўзи ҳам бу стулни кўтарганда қўлидан ташлаб юборар ва жилмайиб қўярди. Ҳужрага кўмачдек каттакон қулф солиб қўйиларди, фарқи шуки, қулф қора эди холос; қулфнинг калитини Герасим ҳаминиша белбоғига боғлаб, ёнига осиб юрарди. У уйига одам киришини хоҳламас эди.

Шу тариқа йил ўтди, охирида Герасимнинг бошидан кичик бир воқеа кечди.

Герасим ҳовлисида қоровул бўлиб турган шу кекса бой хотин ҳамма нарсада қадимий урф-одатларга амал қилар ва кўп хизматкор сақларди; унинг уйида кирчилар, тикувчилар, дурадгорлар, машиначиларгина эмас, ҳатто бир сарроҷ<sup>1</sup> ҳам бўлиб, у ҳам мол доктори, ҳам одамларни

---

<sup>1</sup> Эгар-жабдуқ қилувчи.



даволайдиган табиб эди, бой хотиннинг ўз табиби ҳам бор эди, яна Капитон Климов деган ўта пияниста бир бошмоқчи ҳам бор эди. Климов ўзини камситилган, қадрқиммати эътиборга олинмаган киши деб, Москванинг нообод бир жойида ишсиз қолган одам деб эмас, балки ўқи-мишли ва пойтахт кишиси деб биларди, ичишига келганда, дўндириб, кўкрагига уриб туриб айтишича, фақат қайғу аламининг зўрлигидан ичарди. Кунлардан бир кун эшик оғаси Гаврила билан бой хотин ўртасида шу Капитон тўғрисида сўз кетди. Гавриланинг сариқ кўзларига ва ўрдак тумшугига ўхшаш бурнига қарабоқ бу одамни ишбоши қилиб тақдир ўзи тайинлаган, деб ўйлаш мумкин эди. Бой хотин Капитоннинг ахлоқи бузилиб кетганлигига ачинди, чунки уни қайси бир кўчада ичиб ётган жойидан ўтган кун топиб келган эдилар.

— Қалай, Гаврила,— деб гап бошлади у,— уни уйлантириб қўйсақ дейман, сен нима дейсан? Валки ўзини тўтиб, босилиб қолар.

— Нега ҳам уйлантирмайлик? Мумкин, ҳатто кўп яхши бўлади,— жавоб берди Гаврила.

— Шундоқ, аммо унга ким ҳам тегарди?

— Албатта. Дарвоқе, ихтиёр сизда. Нимаки бўлса ҳам, у ҳар ҳолда бирор ишга яраб қолар, ўнлаб одам орасидан уни кўчага чиқариб ташлаб бўлмас.

— Татьяна унга ёқади шекилли?

Гаврила нимадир деб эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, аммо лабини тишлаб қолди.

— Шундоқ!.. Татьянага совчи юборсин, уқдингми?— деди бой хотин тамакисини ҳузур қилиб ҳидлаб.

— Хўп бўлади,— деди Гаврила ва чиқиб кетди.

Гаврила уйига қайтиб келгач (унинг уйи ҳовлидаги бинода бўлиб, тунука қопланган сандиқлар билан тўла эди), аввал хотинини чиқариб юборди, сўнг дераза ёнига ўтириб, ўйлай кетди. Афтидан, бой хотиннинг кутилмаган

бу фармойиши уни ташвишга солиб қўйди. Охири ўрнидан туриб, Капитонни чақириб келишни буюрди. Капитон келди. Лекин китобхонларга уларнинг гапларини айтиб беришдан аввал, кейинчалик Капитон уйланадиган аёл Татъянанинг кимлигини, бой хотиннинг фармойиши эшик оғасини нега ташвишга солиб қўйганини бир-икки оғиз сўз билан айтиб берсак, ортиқча бўлмас, деб ўйлаймиз.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Татъяна кирчилик вазифасида бўлиб (дарвоқе, у моҳир ва уста кирчи бўлганидан унга фақат нозик кўйлакларни ювиш топширилар эди), йигирма саккиз ёшлардаги чуваккина, озғин, оппоққина, чап юзида холи бор аёл эди. Русча чап юздаги холни ёмон аломат — бахтсиз турмуш нишонаси, дейишади... Татъяна ўз ёзмишидан мамнун бўла олмади. Ёшлик чоғиданоқ уни камситдилар: ёлғиз ўзи икки кишининг ишини қилса ҳамки, бирон марта ҳам яхши гап эшитмади; уни ёмон кийинтирардилар: у ҳаммадан оз ҳақ оларди, қариндошлари деярли йўқ эди; унинг бой хотин уйида авваллари озиқ-овқат омборчиси бўлган, лекин хизматга ярамай қолгач, қишлоқда қолдирилган кекса калитчи бир амакиси бўлар, бошқа қариндошлари эса фақир деҳқон эди — унинг бор-йўқ қариндош-уруғи шу эди. Бир вақтлар гўзалликда унинг номи чиққан эди, лекин гўзаллик ундан тез йўқолди. У жуда мўмин табиатли, ёки дурустроқ айтганда, юрак олдириб қўйгандай эди; у ўзига бепарво қарар, бошқалардан ўлгидай қўрқарди, фақат ишни муддатида бажаришнигина ўйлар, ҳеч ким билан гаплашмас, у гарчи бой хотиннинг афтини кўрмаган бўлса ҳамки, унинг номи эшитган ҳамона қалтираб кетарди. Герасим дастлабки кунларда унга унча эътибор қилмади, бора-бора Татъяна рўпара келганда, унга жилмаядиган бўлди. Кейинчалик унга разм солиб тикила бошлади, ниҳоят, ундан кўз узмайдиган бўлди. У Татъянани яхши кўриб қолди: истарасининг иссиқлигини, чўчиб-тортиниб юришларини, худо

билсин, ишқилиб, унга ёқиб қолди! Кунлардан бир куни Татьяна бой хотиннинг крахмалланган кофточкасини панжаларини ёзиб, авайлаб кўтариб, ҳовлидан ўтиб борарди.., кимдир биров қўққисдан унинг билагидан маҳкам ушлаб олди; у қайрилиб қаради-ю, қаттиқ қичқириб юборди: унинг орқасида Герасим турарди. У тентакларча кулиб ва мулойимгина гўнғиллаб, Татьянага ширин нондан ясалган, думи ва қанотлари олтиндек ялтираган хўрозқанд узатди. Татьяна олмасликка уринди, аммо Герасим зўрлаб унинг қўлига тутқазди-ю, бошини чайқаб, ўзи нари кетди ва қайрилиб қараб, унга алланималар деб жуда дўстона гўнғиллади. Шу кундан бошлаб у Татьянани тинч қўймайдиган бўлди: у қаёққа бормасин, Герасим шу ерда ҳозир бўлар, унинг қаршисидан чиқар, жилмаяр, алланималар деб гўнғиллар, қўлларини силқир, қўйнидан лента чиқариб, унга тутқазар ва унинг оёқлари остидаги чапглари супургиси билан супурар эди. Бечора қиз нима қилишини ва нима илож топишини билмасди. Соқов қоровулнинг бу иши тез орада уйдагиларнинг ҳаммасига аён бўлди; пичинг ва киноя сўзлар айтишиб, Татьянани масхара қила бошладилар. Аммо Герасимни масхара қилишга ҳамма ҳам журъат қилавермасди: у ҳазилни ёқтирмас эди; лекин унинг ҳузурда Татьянага ҳам тегажаклик қилмас эдилар. Қиз иста-са-истамаса Герасимнинг ҳимоясига тушиб қолди. Ҳамма гунглар сингари Герасим ҳам жуда ҳушёр эди, ўзини ёки Татьянани масхара қилиб кулаётганларни жуда яхши пайқаб оларди. Бир куни овқат устида Татьянанинг бошлири кастелянша<sup>1</sup> Татьянага таъна гаплар айтиб, уни мазах қилди, уни шу қадар изза -- қилдики, шўрлик бош кўтаролмади ва йиғлаб юборавэди. Герасим ўрнидан даст

---

<sup>1</sup> Кастелянша — Бу ўринда: бой хотиннинг кийим-бошларини ришталаб турувчи хотин.

турди-ю, забардаст қўлини чўзиб, кастеляншанинг бошига қўйди ва унга шу қадар жаҳл билан хўмрайиб тикилдими, кастелянша ўтирган ўрнида букчайиб кетди, столга ёпишиб қолгандай бўлди. Ҳамма жим қолди. Герасим яна қошиқни олиб, шўрвасини ичаверди. Ҳамма эшитилар-эшитилмас: «Вой, гаранг алвасти-ей!» деб юборишди, аммо кастелянша ўрнидан турди-да, хизматкор хотинлар уйига кириб кетди.

Бошқа бир куни эса Капитоннинг, ҳозиргина гапириб ўтганимиз ўша Капитоннинг Татьянага аллақандай хушомад сўзлар айтиб, суюлиб турганини кўриб, Герасим уни қўли билан имлаб олдига чақириб олди, аравахонага бошлаб бориб, бурчакда турган арава шотисининг бир учидан ушлаб туриб, унга салгина, лекин маънодор пўписа қилиб қўйди. Шу-шу ҳеч ким Татьянага гап қотмайдиган бўлди. Аммо бу ишлар учун Герасимга ҳеч гап бўлмасди. Тўғри, кастелянша уйга келибоқ беҳуш йиқилди, умуман, у воят усталик билан иш кўриб, шу кунидек Герасимнинг бу дағал ҳаракатини бой хотинга етказди; лекин аломат кампир фақат бир неча бор кулиб қўя қолди, бунинг устига кастеляншанинг хўрлигини ошириб, у ўзининг оғир қўли билан сени қандай букчайтириб ташлади, деб қайта айтишга мажбур қилди ва эртаси куни Герасимга битта бир сўмлик чиқартириб юборди. Бой хотин содиқ ва кучли қоровул деб Герасимга ҳада берди. Герасим ўз навбатида уйдан ҳайиқарди, лекин ҳар қалай унинг марҳаматига ишонар ва Татьянага уйланиш учун ижозат берсангиз, деб унга илтимос билан бормоқчи эди. У бой хотин ҳузурига дурустроқ кийиниб бормоқ учун эшик оғаси ваъда қилган янги чакмонни олишни кутиб турган эди, аммо бу орада шу бой хотиннинг бошига Татьянани Капитонга бериш фикри кела қолди.

Эшик оғаси Гавриланинг бой хотин билан гаплашгандан кейин нега довдираб қолганининг сабабини китобхон

энди осонгина тушуниб олган бўлса керак. «Бой хотин,— деб ўйларди у дераза ёнида ўтириб,— албатта, Герасимга илтифот қилади (Гаврила буни яхши билар ва шу сабабдан Герасимдан ҳайиқар эди), ҳар қалай, у тилсиз бир махлуқ; бой хотинга Герасим Татьянага хушомад қилиб юрибди, деб айтиш маъқул эмас. Ҳа, ниҳоят, бу ҳақ гап: у қандай эр бўлсин? Иккинчи томондан, бу алвасти, худо асрасин, Татьянани Капитонга эрга берилишини билиб қолса борми, бой хотиннинг бутун уйини остин-устун қилиб юборади-ку. Унга гап уқтириб бўлмайди-ку ахир: мендек гуноҳкор банда у иблисни ҳеч ҳам гапга кўндира олмас... бу ҳақ гап!..»

Капитон кириб Гавриланинг хаёлини бўлиб юборди. Енгил табиатли бошмоқчи кириб келди-ю, қўлларини орқасига қўйиб, деворнинг эшик ёнидаги қиррасига такал-луфсиз суяниб, ўнг оёғини чап оёғи устига чалкаштириб олди-да, бошини бир силкиб қўйди. У гўё, мана, мен келдим, нима дейсиз?— дегандек бақрайиб турарди.

Гаврила Капитонга бир қараб қўйди-да, деразанинг кесақисини черта бошлади. Капитон ўзининг қорамтир-кўк кўзларини хиёл қисди, лекин ерга боқмади, ҳатто сал кулимсиради ва тамом тўзғиб кетган оқиш сочларини қўли билан силади. Гўё, мана мен турибман, нега тикиласан?— дегандек қараб тураверди.

— Бинойи. Жуда бинойи!— деди Гаврила ва жим бўлди.

Капитон фақат елкасини қисиб қўйди. «Хўш, мендан қаеринг ортиқ экан?» деб ўйлади у ўзича.

— Хўш, афти-ангорингга бир қара, қани, бир қарачи,— деди таъна қилиб Гаврила:— айт-чи, кимга ўхшайсан ахир?

Капитон ўзининг аллақачон хизматини ўтаб бўлган ямоқ-яскоқ узун камзулига, шимига разм солди, хусусан тўзиб кетган этигига, тумшуғи учидан туртиб чиқиб тур-

ган ўнг оёғининг бармоғига диққат билан қаради-да, кейин яна эшик оғасига боқди:

— Хўш, нима бўпти?

— Нима бўпти?— деб такрорлади Гаврила.— Нима бўпти?! Тағин нима бўпти дейсан-а? Балогоа ўхшайсан, одамга ўхшамайсан.

Капитон кўзларини пирпиратди.

«Сўкинг, сўкиб қолинг, Гаврила Андреич», деб ўйлади у яна ичида.

— Сен яна ичиб учиб қолибсан,— деди Гаврила,— яна тағин? Хўш, жавоб бер, ахир.

— Соғлигим яхши бўлмаганидан ичкиликка берилиб кетдим,— деди Капитон.

— Соғлиғинг яхши бўлмаганидан!.. Сенинг таъзиринг-ни бериб қўйишмаяпти, ҳамма гап шунда. Тағин бу кишим Питерда мактаб кўрганмиш... ўқиб жуда билимдон бўлиб кетдингми, фақат текинга нон еб юрибсан.

— Бу масалада, Гаврила Андреич, менинг қозим битта: Ёлғиз худонинг ўзи, бошқа ҳеч ким эмас. Бу ёруғ дунёда менинг кимлигимни ва дарҳақиқат бекорга нон еб юрибманми-йўқми, буни танҳо ўзи билади. Мастлик тўғрисидаги фикрга келганда, айб менда эмас, айб бир ўртоғимда. У мени қизиқтириб қўйди-да, ўзи қувлик қилди, яъни қочди, мен бўлсам...

— Сен аҳмоқ кўчада қолавердинг. Эҳ, ландовур! Аммо гап бунда эмас,— деди давом этиб эшик оғаси,— гап бу ёқда. Бекам...— дедию, у бир оз жим қолди,— бекам сенинг уйланишингни истайди. Уқяпсанми? Бекам, уйлансанг тийиларсан, деб ўйлайдилар. Уқяпсанми?

— Нега уқмайман.

— Шундоқ. Фикримча, сени яхшилаб қўлга олиш керак эди. Дарвоқе, бу унинг иши. Хўш, нима дейсан. Розимсан?

Капитон тишларини тиржайтириб жилмайди.

— Уйланиш одам боласи учун яхши гап, Гаврила Андреич, менга қолса, жуда мамнунман.

— Ҳа, шундай,— деди Гаврила ва: «Ҳақиқатан ҳам бунинг гапи тўғри»,— деб ўйлади-да, сўзида давом этди:— шуниси борки, сенга келиннинг нобопини танлаптилар.

— Қим экан, билсам бўладими?!

— Татьянани.

— Татьянани?

Капитоннинг кўзлари чақчайиб кетди ва ўзини девордан нари отди.

— Хўш, нега безовта бўлиб қолдинг?.. Ахир, у сенинг дидингга ёқмайдими?

— Нега ёқмасин, Гаврила Андреич! Қиз чакки эмас, ишчан, мўмин қиз... Ўзингиз биласиз-ку, Гаврила Андреич, ахир унинг кетидан анави алвасти, саҳро ёввойиси...

— Биламан, ошна, ҳаммасини биламан,— деди афсус билан эшик оғаси,— аммо лекин...

— Раҳмингиз келсин, Гаврила Андреич! Ахир у мени ўлдириб қўяди, худо урсин, ўлдириб қўяди, худди нашшани ээрилагандек эзиб ташлайди; ахир, унинг қўли, ахир, унинг қўли қанақа қўлки, ўзингиз бир назар солинг, ахир, унинг қўли худди Минин ва Пожарский қўлларининг ўзи-ку. Ахир, гаранг, дўппослайверади-ю, аммо қандай ураётганини ўзи эшитмайди! Худди уйқусида мушларини кўтаргандек муштлайверади. Уни ҳеч ажратиб бўлмайди: нега? Чунки бунинг ўзингиз биласиз, Гаврила Андреич, у гаранг ва бунинг устига, бориб турган тентак. Ахир у аллақандай бир ҳайвон, эси йўқ тентак. Гаврила Андреич, тентакдан ҳам баттари... худди тоғтерақнинг ўзи. Нима гуноҳим борки, унинг қаҳрига дучор бўлай? Албатта, мен бўларимча бўлганман, энди ҳеч тап тортар жойим йўқ: меҳнат, машаққат тагида ийиғим чиқиб кетган, Қоломнада қилинадиган ҳумчадек хўп ёр босиб чирким чиққан,

бироқ мен ҳар ҳолда одамман, аллақандай арзимас хумча эмас, одамман ахир!

— Биламан, биламан, кўп эзмаланма...

— Ё тангрим!— қизишиб сўзида давом этди бошмоқчи,— бу кулфатнинг охири борми? Қачон охири бўлади, тангрим! Мен шўрпешона, бахтсизман! Менинг қисматим, пешонам шўр экан! Болалик чоғимда немис хўжайинининг калтаги тагида эзилдим, навқирон чоғимда ўз акам савалади, катта одам бўлганимда мана бу кўргуликларга дучор бўлсам-а...

— Э, юраксиз эзма,— деди Гаврила.— Мунча вайсайсан, ахир?

— Нега вайсамайин, Гаврила Андреич! Қалтак ейишдан кўрқаётганим йўқ, Гаврила Андреич. Мени уйга қамаб ур, аммо одамлар олдида илтифот қил, чунки мен одамлар жумласиданман, аммо бу ерда кимдан калтак ейман...

— Бас, йўқол кўзимдан,— жаҳл билан унинг сўзини бўлди Гаврила. Климов бурилиб, уйдан чиқа бошлади.

— Хўш, агар у бўлмаса, рози бўлармидинг?— деб қичқирди унинг орқасидан эшик оғаси.

— Рози бўлардим,— деди Капитон ва чиқиб кетди.

Мастлигида ҳам Капитоннинг тили бурроликдан қолмас эди.

Эшик оғаси уйда бир неча бор уёқ-буёққа юрди ва ниҳоят:

— Қани, энди Татьянани чақиринг,— деди.

Бир неча дақиқадан сўнг Татьяна оҳистагина кириб, остона ёнида тўхтади.

— Бирон ишингиз бормиди, Гаврила Андреич?— деди у секингина.

Эшик оғаси унга боқди.

— Хўш, Танюша, эрга тегишни хоҳлайсанми? Бекам сенга куёв топиб қўйибди,— деди у.



— Кулогим сизда, Гаврила Андреич, Бека куёвликка кимни топибдилар?— деб сўради у тортинибгина.

— Капитон Бошмоқчини.

— Хўп бўлади.

— У енгилтак одам, бу аниқ. Аммо бекам бу ишда сенга ишонади.

— Хўп бўлади.

— Фақат бир чатоғи бор... Анави гаранг-чи, Гераська, сенга хушомад қилиб юрибди. У айиқни қайданам ўзингга илаштира қолдинг? Ахир, у айиқ билиб қолса, сени ўлдириб қўяди-ку...

— Ўлдиради, Гаврила Андреич, ҳеч сўзсиз ўлдиради.

— Ўлдиради... Қани, бу ёғини кўрармиз. Хўш, нега, нега ўлдиради, дейсан? Сени ўлдиришга нима ҳаққи бор, ўзинг ўйлаб кўр-чи?

— Ҳаққи борми-йўқми — бунисини билмайман, Гаврила Андреич.

— Вой, сен-эй! Ахир унга ҳеч ваъда берганинг йўқ-ку...

— Нима демоқчисиз?

Эшик оғаси бирдан жим бўлиб, ўйланиб қолди:

— Мўмин муштипарсан! Яхши, сен билан яна гаплашармиз,— деб қўшиб қўйди,— энди боравер, Танюша, кўриб турибманки, сен жуда мўмин қизсан.

Татьяна ўгирилиб, эшикни астагина ёпиб чиқиб кетди.

«Балки бека эртагаёқ тўйни эсидан чиқариб юборар, аммо мен нега бунча ҳовлиқмасам?— деб ўйлади эшик оғаси.— У шумни тийиб қўярмиз; бирор ҳодиса бўла қолса, полицияга хабар қиламиз...»

— Устинья Фёдоровна!— қаттиқ товуш билан хотинини чақирди,— бир самовар қўйиб юборинг, ҳурматлигим...

Татьяна ўша кунни кунбўйи кирхонадан чиқмади деса бўлади. У дастлаб бир оз йиғлаб олди, сўнг кўз ёшларини артиб, аввалгидек ишга тутинди...

Аммо эшик оғасининг ўйлаганлари бўлмади, Капитон-

ни уйлантириш ҳақидаги фикр бой хотиннинг хаёлини шу қадар чулғаб олган эдики, ҳатто кечаси ҳам уйдаги хос-хотинлардан бири билан шу ҳақда гаплашди. Бу хотин уйқусизлик пайтларида бой хотиннинг кўнглини хуш қилмоқ учунгина уйда сақланар ва тунги извошчидек кундузи ухлар эди. Нонуштадан сўнг Гаврила ишларнинг боришидан хабардор қилмоқ учун бой хотиннинг ҳузурига келган ҳамона у дастлаб: тўй нима бўлди, юришяптими?— деб сўради. Маълумки, у «иш жуда жойида ва Капитон ташаккур изҳор қилмоқ учун бугуноқ ҳузурингизга келади», деб жавоб берди. Бой хотин қандайдир нотоб эди; у ишларнинг боришини унча суриштириб турмади. Эшик оғаси ўз хонасига келиб, дарҳол кенгаш чақирди. Дарҳақиқат, масала ўзига хос муҳокама талаб қиларди. Татьяна-ку сўз қайтармади-я, аммо Капитон ҳамманинг олдида, бошим битта, иккита эмас, учта ҳам эмас, деди... Герасим ҳаммага тез-тез хўмрайиб боқар, хизматкор хотинлар уйининг зинапояс олдида қўзғалмас ва ўзи учун аллақандай нохуш иш қилинаётганини пайқаб тургандек эди. Кенгашга йиғилганлар (улар жумласида Қуйруқ Амаки лақабли кекса буфетчи ҳам бўлиб, гарчи ундан фақат «буни қара-я» ва «шундай, шундай» деган сўзни эшитсалар ҳам, ҳаммалари ҳурмат билан ундан маслаҳат сўрар эдилар), ишни Капитонни ҳар эҳтимолга қарши сув тозалайдиган машина турган ҳужрага яшириб қўйишдан бошладиларда, ўзлари яхшилаб бош қотиришга киришдилар. Албатта, зўрликка қолса, иш осон бўларди-я, аммо шовқин-тўполон кўтарилса-чи,— бундан худо сақласин!— бой хотин эшитса безовта бўлади! Хўш, нима қилмоқ керак! Уйлаб-уйлаб, охири бир фикрга келишди. Герасимнинг пианистани кўргани кўзи йўқ эди, буни ҳамма жуда яхши биларди... У дарвоза ёнида турганида, бирор маст шапкасини қийшайтириб қулоғига бостириб ўтса борми, у ҳар доим нафрат билан тескари қараб оларди. Татьянага, мастдек ган-

дираклаб Герасимнинг ёнидан ўтасан, дедилар. Шўрлик қиз хийла вақт унамади, лекин охири уни кўндирдилар; агар шундай қилмаса, ошиғидан сира қутула олмаслигини унинг ўзи ҳам биларди. Татьяна гандираклаб жўнади. Капитонни ҳужрадан чиқардилар, чунки бу иш ҳар ҳолда унга боғлиқ эди. Герасим дарвоза ёнидаги курсичада белкурак билан ер чуқилаб ўтирар эди... ҳамма бурчаклардан, дераза пардалари орқасидан унга қараб турарди...


Ҳийла кўнгилдагидек натижа берди. Герасим Татьянани кўрган ҳамона ҳар сафаргидек хушдиллик билан ғулдираб бошини чайқади, сўнг разм солиб, унга тикилди, қўлидан кураги тушиб кетди, даст ўрнидан туриб, унинг ёнига келди, юзларини унинг юзларига яқин олиб келди... Татьяна қўрқиб кетиб, яна ҳам қаттиқроқ гандираклади ва кўзларини юмиб олди... У Татьянанинг қўлидан тутиб олди-да, ҳовли бўйлаб ғизиллаганича, кенгаш бўлиб турган уйга етаклаб келди ва уни тўппа-тўғри Капитонга қараб итариб юборди. Татьяна ҳушидан кетди... Герасим тик турганича, Татьянага боқди, мийиғида жилмайди ва қўлини бир силкиди-ю, оғир-оғир қадам босиб, ўз ҳужраси томон кетди. У бир кеча-кундуз уйдан чиқмади. Бош аравакаш Антипканинг кейинчалик айтишича, у тешикдан мўра-лаб, Герасимни кўрган эмиш: Герасим икки қўлини жағига тираб, оҳиста, бир оҳангда, фақат аҳён-аҳён ғўнғиллаб каравотда ўтириб ашула айтибди, яъни ямшиқлар ёки бурлақлар ўзларининг мунгли ашулаларини чўзиб айтганидек, гавдасини тебратиб, кўзларини юмиб, бошини чайқаб ўтирибди. Антипканинг қути учиб тешикдан нари кетибди. Эртаси кун Герасим ҳужрасидан чиққанида унда айтарли ўзгариш бўлганини билиб бўлмади. У хафага ўхшарди-ю, лекин Татьяна билан Капитонга сира эътибор қилмади. Уша куни кечқурун улар иккаласи ғозларни қўлтиқлашиб, бой хотин ҳузурига кирдилар ва бир қафтадан

сўнг тўй қилдилар. Герасим тўй куни феъл-атворини сира ўзгартирмади, аммо дарёга борди-ю, сувсиз қайтиб келди: йўлда нимадир бўлиб бочкани синдириб қўйибди; тунда эса отхонада отини шу қадар ҳафсала билан қашлаб то-заладики, от худди шамол зарбига силкиниб турган ўтдек тебранар ва унинг қаттиқ мушти остида гоҳ у оёғига, гоҳ бу оёғига босиб турарди.

Бу воқеалар баҳор кезида содир бўлган эди. Орадан яна бир йил ўтди, шу бир йил ичида Капитон ичкиликка муккаси билан берилиб, одам қаторидан чиқиб қолди, уни бутунлай яроқсиз одам ҳисоблаб, карвонга қўшиб хотини билан бирга узоқ бир қишлоққа жўнатиб юборилди. Жўнаб кетадиган куни у, аввал жуда керила бошлади ва қаёққа юборсалар, ҳатто тупконнинг тагига, борса келмасга юборсалар ҳам йўқолмайман, ўз кунимни кўраман, деб мақтанди, аммо сўнгра руҳи тушиб кетди, мени илм-маърифатсиз одамлар орасига олиб кетмоқдалар, деб зорлана бошлади, охири, шу қадар бўшашиб, ҳолдан кетдики, ҳатто ўз шапкасини ҳам киёлмай қолди; лекин кимдир биров раҳми келиб, унинг шапкасини бошига илиб, олд томонини пешонасига келтириб, устидан босиб қўйди. Сафар ҳозирлиги тугаб, мужиклар отнинг тизгинини ушлаган ва: «Худога топширдик!» сўзини кутиб турган вақтда Герасим ҳужрасидан чиқиб, Татьяна ёнига келди ва эсдалик учун унга бир қизил рўмол ҳадя қилди, бу рўмолни у бир йил муқаддам Татьяна учун сотиб олган эди.

Ўз ҳаётидаги бутун кўргиликка ҳозиргача зўр чидам билан тоқат қилиб келган Татьяна шу дамда чидаб туролмади, кўзларига жиққа ёш олди ва аравага чиқа туриб христианлар одатича Герасим билан уч бор ўпишди. Герасим уни шаҳар дарвозасигача узатиб бормоқчи бўлди, дастлаб унинг араваси билан ёнма-ён борди, лекин Крим Бродига етганда бирдан тўхтади, қўлини бир силкиди-ю, бурилиб, дарё ёқалаб кетди.

Кечки пайт эди. У сувга назар ташлаб аста-аста кетиб борарди. Бирдан унинг назарида дарё лабидаги сув ўтлари ичида нимадир тирчиллаётгандек бўлди. Герасим энгашиб қараган эди, бир олапар кучукка кўзи тушди, у сувдан чиқишга шунча уринса ҳам чиқолмас, тиртишиб, тирмашар, аммо яна сирганиб тушиб кетар, ҳўл, озгин бадани дир-дир қалтирарди. Герасим бу бечора кучукка бир оз қараб турди, кейин бир қўли билан уни сувдан олиб, қўйнига солди-да, катта-катта қадам ташлаб уйига қараб кетди. У ҳужрасига келгач, кучукни каравотига ётқизиб, ўзининг оғир чакмони билан ўраб қўйди, дастлаб отхонага бориб похол, сўнг ошхонадан бир пиёла сут олиб келди.



У чакмонини кучук бола устидан авайлаб кўтарди ва тагига похол тўшаб, каравот устига сутни қўйди. Вечора кучукнинг туғилганига эндигина бир ҳафта бўлган, кўзлари эндигина очилган, ҳатто бир кўзи иккинчисидан хил каттага ўхшарди; у ҳали товоқдан овқат ичишни билмас, қалтирар ва кўзларини қисиб турар эди. Герасим икки бармоғи билан унинг бошидан тутиб, тумшугини идишдаги сутга тегизиб қўйди. Кучук бирдан тез-тез ича бошлади, у сутни ича туриб пишқирар, қалтирар ва тиқилар эди. Герасим кучукнинг бу ҳолига хийла тикилиб турди-да, бирдан кулиб юборди... У тун бўйи шу кучук бола билан овора бўлди, уни силаб-артиб ётқизди, охири, ўзи ҳам қандайдир бир мамнуният билан кучук ёнида ётиб, ширин уйқуга кетди.

Ҳеч бир она ўз боласини Герасим ўзи асраган кучукни парвариш қилгандай парвариш қилмайди. Дастлабки вақтларда у жуда нимжон, озғин ва хунук эди, лекин бора-бора яхшиланиб, ранг кирди, орадан саккиз ой ўтгач, ўз халоскорининг тинмай парвариш қилиши натижасида напан итлари жинсидан бўлган дурустгина бир ит бўлди-қўйди. Унинг қулоқлари узун, найсимон думи сержун ва кўзлари катта-катта, ўткир эди. У Герасимга жуда ҳам ўрганиб қолди, ундан бир қадам ҳам орқада қолмас, думини ликиллатиб, доим унинг орқасидан эргашиб юргани юрган эди. Герасим кучукка ном ҳам қўйди — соқовлар ўз товушлари бошқаларнинг эътиборини тортишини биладилар, у итга Муму деб ном қўйди. Уйдагилар ҳаммаси бу итни яхши кўриб қолишди, улар ҳам уни Муму деб қақира бошладилар. У жуда асил ит эди, ҳаммага эркаланарди, аммо ёлғиз Герасимнигина яхши кўрарди. Герасим ҳам уни ниҳоятда яхши кўрарди... ва, шунинг учун ҳам бошқа бировлар уни силасалар Герасимнинг гаши келарди: унга бирор нарса бўлади, деб кўрқар эдимиз, уни қизғанармиди. — худо билсин! Ит ҳар куни эрталаб, этагидан тортиб

уни уйғотар, сув ташувчи отнинг тизгинидан тишлаб, Герасимнинг олдига етаклаб келарди, от билан жуда иноқ эди,— ўзини сипо тутиб, Герасим билан бирга дарёга борарди, унинг супургиси ва курагини қўриқлар, ҳужрасига ҳеч кимни яқин йўлатмас эди. Герасим атайлаб ўз ҳужрасининг эшигидан ит кириб чиқадиган тешикча қилиб қўйдди, кучук ҳам ўзини фақат Герасимнинг ҳужрасидагина тўла ҳуқуқли хўжайиндек ҳис қилар, шунинг учун ҳам ҳужрага кириши биланоқ мамнун бўлиб, дарров каравотга чиқиб оларди. У тунлари бутунлай ухламас, лекин бўларбўлмасга вовиллайвермас эди; чўнқайиб олиб, тумшугини осмонга чўзиб, кўзларини чирт юмиб, зерикканидан юлдузларга қараб кетма-кет вовиллайдиган эси пас ҳовли итлари жумласидан эмас эди — йўқ! Мумунинг ингичка товуши ҳеч маҳал бежиз чиқмасди: у бегона одам деворга яқинлашса ёки бирор жойда шубҳали шовқин, ёинки шитирлаш эшитилсагина вовилларди... Хуллас, у, жуда яхши қўриқчи эди. Дуруст, ҳовлида ундан бошқа яна Бўри номли сариқ-чипор қари ит ҳам бор эди, аммо уни ҳеч қачон, ҳатто кечалари ҳам занжирдан бўшатмас эдилар, дарвоқе, турарга мадори йўқлигидан унинг ўзи ҳам занжирдан бўшалишга сира ҳаракат қилмасди — ўз уясига кириб ётгани-ётган эди ва аҳён-аҳёндагина бўғиқ, эшитилар-эшитилмас товуш чиқариб, вовиллаган бўларди-ю, лекин бу вовиллаши бефойда эканини ўзи ҳам сезиб, дарров жим бўлиб қолар эди... Муму хўжайиннинг уйига кирмас эди; Герасим уйга ўтин кўтариб кирган вақтларда, у доим орқада қолар, қулоқларини диккайтириб, эшик ичкарисидан салгина овоз эшитилган ҳамоно гоҳ ўнг томонга, гоҳ бирданига чап томонга қараб, Герасимнинг чиқишини кутарди...

Шу тариқа яна бир йил ўтди. Герасим ўз қоровуллик ишида давом этар, тақдирдан жуда мамнун эди, аммо бир куни кутилмаган бир ҳодиса юз берди... Ёзнинг гўзал

кунларидан бири эди, бой хотин ўзи приживалкалари<sup>1</sup> билан бирга меҳмонхонада уёқдан-буёққа юриб кўнгил очмоқчи эди. Унинг вақти хуш эди, кулар ва ҳазиллашарди; приживалкалар ҳам кулар ва ҳазиллашардилар: аслида эса улар бирор хурсандлик сезмасдилар, бой хотиннинг вақти хуш бўлган пайт уйдагиларга унча хуш келмасди, чунки шу пайтларда у, биринчидан, ҳамманинг дарҳол хурсанд бўлишини талаб қиларди, агар бирортасининг юзида хурсандлик аломатини кўрмаса, жаҳли чиқарди, иккинчидан, бу хурсандлик пайти дарров ўтиб кетарди, одатда хурсандлик ўрнини хафалик, рўҳсизлик оларди. Шу кун эрталаб у уйқусидан қандайдир хурсанд уйғонди, қарта очганда унга тўртта солдат чиқди, бу истакнинг рўёбга чиқишини билдирарди (у ҳамиша эрталаб фол очарди)— чой ҳам унга ҳаддан зиёд лаззатли туюлди, бу чойи учун хизматкор хотинни мақтади ва унга битта ўн тийинлик танга инъом қилди. Бой хотин буришган лабла-рида севинч, табассум билан меҳмонхонада юрарди, у дераза ёнига келди. Дераза олди гулзор қилинган эди. Муму ана шу гулзорнинг қоқ ўртасидаги доира ичида, атиргул тагида ётиб олиб, ҳафсала билан суяк ғажир эди. Бой хотин уни кўриб қолди.

— Е худойим!— деб хитоб қилди у бирдан:— бу қанақа ит!

Бой хотин мурожаат қилиб гапирган бечора приживалка шундай бир нохуш аҳволга тушиб, жуда типирчилаб қолдики, одатда, биров ҳукми остидаги одам ўз бошлигининг хитобини дуруст тушунолмай қолганда ана шундай типирчилаб қолади.

---

<sup>1</sup> Приживалка — катта бойлар ёки катта савдогарлар уйда улар ҳисобига яшаб, бой хотиннинг вақтини хуш қилиб юрадиган, аниқ бир иш бажармайдиган, асли насаби крепостной бўлмаган камбағал хотин.



— Б...б... билмадим,— деди у довдираб:— анов соқовники шекилли.

— Ё худойим!— деди бой хотин унинг сўзини бўлиб,— қандай ажойиб кучук-а! Айтинг, уни буёққа олиб киришин. Қачондан бери унинг қўлида? Нега шу вақтгача мен уни кўрмабман?.. Айтинг, уни олиб киришин.

Приживалка дарров даҳлизга қараб югурди.

— Ҳой одамлар, ҳой одамлар! Мумуни дарров буёққа олиб киришлар! У гулзорда,— деб қичқирди у.


— Унинг номи Мумуми?! Жуда яхши ном,— деди бой хотин.

— Жуда яхши ном,— деди приживалка.— Тез бўлинг, Степан!

Уй хизматкори бўлган полвон йигит Степан ўлган тирилганига қарамай, гулзорга югурди ва борибоқ Мумуни ушлаб олмоқчи бўлган эди, лекин ит чаққонлик билан унинг панжалари орасидан чиқди-да, думини диккайтириб, жон-жаҳди билан Герасимнинг олдига югурди. Герасим эса бу вақт ошхонада бочкани худди болалар ноғорасидек қўлида кўтариб, айлантира-айлантира қоқиб силкитмоқда эди. Степан Мумуни изма-из қувиб борди ва эгасининг оёқларига ўралашиб турган итни тутиб олмоқчи бўлди, лекин чаққон кучук бегона қўлга тутқич бермай, уёқдан-буёққа сакраб ва чап бериб қочар эди.

Герасим бу оворагарчиликларга бир оз кулиб қараб турди: ниҳоят, Степан аламига чидамай қаддини ростлади-да, Герасимга, сенинг итингни бой хотин ўз уйига олиб келишни буюрди, деб имо-ишоралар билан шоша-пиша тушунтира бошлади. Герасим бир оз ҳайрон бўлиб турди, сўнг Мумуни ўз ёнига чақирди-да тутиб олиб Степаннинг қўлига берди. Степан кучукни меҳмонхонага келтириб, паркет полга қўйиб юборди.

Бой хотин итни суйиб чақира бошлади, ҳеч бу ҳаша-



матли жойни кўрмаган Муму жуда қўрқиб кетди ва эшикка қараб югурди, лекин хизматга ҳозир Степан уни итариб юборди, кучук қалтираб, девор тагига қисилиб олди.

— Муму, Муму, бери кел, менинг ёнимга кел,— деди бой хотин,— кела қол, тентак... қўрқма...

— Кела қол, бекамнинг ёнларига бора қол, Муму, бора қол,— деб такрорлашарди приживалкалар.

Лекин Муму атрофга нохуш боқар ва ўрнидан сира қўзғалмас эди.

— Унга бирор овқат келтиринглар,— деди бой хотин,— мунчаям тентак бўлмаса! Беканинг ёнига келмайди.

Нимадан қўрқаркин?

Приживалкалардан бири маъюс товуш билан қўрқибгина:

— Ҳали ўрганмаган, ётсираяпти,— деди.

Степан бир идишда сут келтириб, Мумунинг олдига қўйди, лекин Муму ҳатто сутни искаб ҳам кўрмади, ҳамон қалтирар, жавдираб атрофга боқарди, холос.

— Вой, сен-эй!— деди бой хотин ва кучук ёнига келиб, уни силамоқчи бўлди, лекин Муму дарров бошини ўгириб тишларини тиржайтирди. Бой хотин чаққонлик билан қўлини тортиб олди...

Бир дақиқа жим қолишди. Муму гўё зорланган ва афв сўрагандек, секингина инграй бошлади... Бой хотин нари



бориб, қовоғини солиб турди. Итнинг қўққисдан қилган бу ҳаракатидан у жуда қўрқиб кетган эди.

Ҳамма приживалкалар бараварига:

— Вой,— деб юборишди.— Сизни тишлаб олгани йўқ-ми, худо кўрсатмасин! Вой, вой! (Муму умрида ҳеч маҳал ҳеч кимни тишламаган эди.)

— Уни бу ердан йўқотинг!— деди кампир хаста товуш билан.— Жуда ёмон ит экан! Қандай қопогон-а!

Бой хотин астагина қайрилиб, ўз кабинетига қараб кетди. Приживалкалар қўрқа-писа бир-бирларига қарашиб олдилар, унинг кетидан бормоқчи бўлиб чорланган ҳам эдиларки, у тўхтаб уларга совуққина тикилди ва: «Нега келяпсиз? Сизларни чақирганим йўқ-ку», деб кабинетига кириб кетди.

Приживалкалар дарғазаб бўлишиб, Степанга қўл силкишди: Степан Мумуни чангаллаб олиб, дарров эшик орқасига, худди Герасимнинг оёқлари тагига отиб юборди. Аммо ярим соатдан кейин уйда чуқур жимлик ҳукм сураб

ва кекса бой хотин қуюн бошлаб келадиган қора булутдай ўз диванида қовоғини солиб ўтирар эди. Баъзан, бекорчилик одамнинг кайфини нақадар бузиб юборади-я, деб ўйлайсан киши!

Бой хотин кечгача кайфсиз ўтирди, ҳеч ким билан гап-лашмади, қарта ўйнамади, тунни беором ўтказди. Ҳар кунги одеколонни берсалар ҳам, унга бошқа одеколондек туюлар, ёстиғидан совун ҳиди келаётгандек бўлар ва кас-теляншани ўз кийим-бошларини ҳидлаб кўришга мажбур қилар эди;— хуллас, жуда бетоқат бўлар ва «қизишар» эди; иккинчи кун ирталаб, Гаврилани одатдагидан бир соат илгари чақиртирди.

Гаврила ичида алланималар деб тўнғиллаб, кабинет остонасига қадам босган ҳамоно бой хотин гап бошлаб юборди:

— Қани, айт-чи, тун бўйи ҳовлимизда вовиллаб чиққан ит қанақа ит? Менга уйқу бермади-ку!

— Ит... ит... эҳтимол, анави соқовнинг итидир,— деди у унча ботинолмай...

— Билмадим, соқовникими, бошқа итми, ишқилиб, менга уйқу бермади. Шунга ҳайрон бўламанки, бунча итнинг бизга нима кераги бор? Хўш, билмоқ истайман! Бизда ҳовли ити бор-ку, ахир?

— Бўлмасам-чи, Бўри бор.

— Шундай бўлгач, бизга бошқа итнинг нима даркори бор? Тартибсизликнинг сабаби битта, холос. Уйда бошлиқ йўқ, ана шу. Соқов итни нима қилади ахир? Менинг ҳовлимда ит сақлаш учун унга ким ижозат берди? Кеча дераза олдига бориб қарасам, у гулзор ичида ётибди, аллақандай ифлос нарсани олиб келиб, ғажиб ётибди, мен у ерга атиргул эктирганман ахир...

Бой хотин жим бўлди.

— Бугуноқ бу ерда унинг қораси кўринмасин... эшитдингми?

— Хўп бўлади.

— Бугуноқи Энди боравер. Докладга кейин чақираман. Гаврила чиқиб кетди.

Эшик оғаси меҳмонхонадан ўтиб кета туриб, тартибли қилиб қўйиш мақсадида қўнғироқни бир столдан иккинчисига олиб қўйди, ўрдак тумшугига ўхшаган хунук бурнини секингина қоқди-ю, даҳлизга чиқди. Даҳлиздаги скамейка устида Степан кўрпа ўрнига камзулини устига ташлаб, оёқларини гужанак қилиб йиғиб, худди жанг майдо-нида ўлиб ётган аскардек ухлаб ётарди. Эшик оғаси уни туртиб уйғотди-да, овозини зўрға чиқариб, унга алланимани буюрди, Степан бу буйруққа ярим эснаш, ярим кулги билан жавоб қайтарди. Эшик оғаси чиқиб кетди, Степан дарров ўрнидан туриб, чакмон ва этигини кийди, ташқарига чиқиб, зинапояда тўхтаб турди. Орадан беш минут ҳам ўтгани йўқ эдики, орқасига катта бир боғлам ўтин орқалаб, доимий ҳамдами Мумуни эргаштириб Герасим келди. Герасим ёнлаб келиб, эшикни елкаси билан очди-да, ўтинни кўтарганича уйга кириб кетди, Муму эса ҳар сафаргидек, уни пойлаб эшикда қолди. Шу орада, Степан худди човут қилиб туриб жўжага чангал солган калхатдек, Мумунинг устига ташланди, кўкраги билан уни ерга босиб, қучоқлаб олди ва ҳатто шапкасини ҳам киймасдан ҳовлига қараб югурди, тўғри келган бир извошга ўтириб, Охотний рядга<sup>1</sup> қараб чоптириб кетди. У дарров харидор топиб Мумуни ярим сўмга сотди ва унга итни лоақал бир ҳафта бойлоқда тутиш кераклигини уқтириб, шу замоноқ қайтиб келди; лекин уйга етмай извошдан тушиб, орқа йўлакдан айланиб, ҳовлига девордан ошиб тушди, тагин рўпарамдан Герасим чиқиб қолмасин, деб дарвозадан киришга қўрқди.

---

<sup>1</sup> Охотний ряд — Москванинг марказий кўчаларидан бири; революцияга қадар Охотний рядда бозор бўлар эди.

Аммо у бекорга ҳадиксираган эди: Герасим ҳовлида йўқ эди. У уйдан чиқиш биланоқ атрофга қараб, Мумуни ахтара бошлади, чунки Муму унинг чиқишини кутмасдан бирор ёққа кетиб қолмасди, бу маҳалгача Герасим бундай ҳолни кўрмаган эди, шу сабабдан уёқ-буёққа югуриб, уни излай бошлади, ўзича чақирди... ҳужрасига қараб югурди, пичанхонага борди, ғизиллаб кўчага чиқди, ҳарёққа югурди... Йўқолди! Одамларга мурожаат қилар, қаттиқ ташвиш чекиб қўлини ердан ярим газ баланд кўтариб, унинг қандайлигини тасвирлаб, имо-ишоралар билан сўроқларди... баъзилар Мумунинг қаёққа йўқолганини чиндан ҳам билмас, фақат бошларини чайқардилар, баъзилар билсалар ҳам, унга айтиш ўрнига кулардилар, эшик оғаси эса фавқулодда жиддий тусга кириб, извошчиларга ўшқира бошлади. Шундан кейин Герасим югурганича ҳовлидан чиқиб кетди.

Герасим қайтиб келганида қош қорайиб қолган эди. Унинг ҳорғин ранг-рўйига, гандираклаб қадам босишларига, чанг босган уст-бошларига қараб, у Москванинг ярмини айланиб чиққан, деб ўйлаш мумкин эди. У бой хотиннинг деразаси рўпарасига келиб тўхтади, хизматкорлардан еттитача киши тўпланиб турган зинапояга бир назар ташлади-ю, орқасига ўгирилиб олиб, яна бир бор: «Муму!» деб чақирди. Аммо Мумудан жавоб бўлмади. Герасим бу ердан нари кетди. Ҳамма унинг кетидан қараб қолди, лекин ҳеч ким жилмаймади, ҳеч нима демади ҳам... аммо ҳар нарсани билиш пайида бўладиган бош аравакаш Антипка эртасига ошхонада одамларга соқов тун бўйи ух тортиб чиқди, деди.

Герасим эртасига кунбўйи кўринмади, шу сабабдан сув келтириш учун унинг ўрнига извошчи Потап борди, Потап бундан жуда норози бўлди. Бой хотин Гавриладан, менинг буйруғим бажарилдими, деб сўради, Гаврила бажарилди, деб жавоб берди. Герасим эртасига эрталаб ҳужрасидан

чиқиб, ишига тутинди. У овқатга келди, овқатни еди-да, ҳеч ким билан хайрлашмасдан яна чиқиб кетди. Унинг ҳамма гунг-гарангларники сингари бусиз ҳам руҳсиз, кайфиятсиз бўлган юзи ҳозир худди тошдек қотиб қолган эди. Овқатдан сўнг у яна ҳовлидан чиқиб кетди, лекин узоқ юрмай, қайтиб келди ва шу замонок пичанхонага жўнади.

Тун, мусаффо ойдин кеча бошланди. Герасим оғир-оғир нафас олиб, тўхтовсиз у ён-бу ёнга ағдарилиб ётди, тўсатдан гўё бир нарса унинг этагидан тортаётгандек бўлди; аъзойи-бадани титраб кетди, аммо бошини кўтармади, ҳатто кўзларини чирт юмиб олди, лекин этаги олдингидан қаттиқроқ тортилди; Герасим сакраб турди... унинг олдида, бўйнида узилган бўйинбоғи билан Муму парвона бўлиб турарди. Унинг севинчи ичига сиғмай кетди, унсиз кўксидан чўзиқ шодиёна қичқиряқ отилиб чиқди: у Мумуни қучоқлаб олиб, бағрига босди; Муму бир лаҳзада Герасимнинг бурнини, кўзларини, мўйлов ва соқолларини ялаб чиқди... Герасим бир оз тик турди, ўйлаб олди, пичанхонадан туриб, атрофига астагина боқди, ўзини ҳеч ким кўрмаганлигига қаноат ҳосил қилгач, ҳужрасига бехатар кириб олди.

Герасим ит ўзи йўқолиб кетмаганини, уни бой хотиннинг буйруғига мувофиқ адаштириб келганларини олдинок пайқаган эди; Муму бой хотинга тишларини тиржайтириб, ириллаб берганини одамлар унга имо-ишоралар билан туншунтирган эдилар, шу сабабли Герасим ҳам ўз томонидан чора излаш фикрига келди. Олдин Мумуга нон бериб тўйдирди, эркалаб ётқизди, сўнг яшириб асраш йўлларини ўйлай бошлади ва тун бўйи шуни ўйлаб чиқди. Ниҳоят, у Мумуни кунбўйи ҳужрада асрашга ва фақат аҳён-аҳёнда ундан бир хабар олиб туришга, кечаларигина бўшатиб юборишга аҳд қилди. Эшик тешигини эски чакмони билан маҳкам бекитиб ташлади, тонг ёриша бошлаган ҳамано,

гүе ҳеч нарса билмагандек, ҳатто юзидаги аввалги қайғу аломатини сақлаб (содда ҳийла) ҳовлида пайдо бўлди. Муму вангиллаб ўзини билдириб қўяди, деган фикр бечора соқовнинг хаёлига келмапти: дарҳақиқат, соқовнинг ити қайтиб келганини ва ҳужрага қамаб қўйилганини ордан кўп ўтмай уйдагилар билиб қолишди, лекин унинг ўзига ва итига раҳмлари келганиданми, балки, бир қадар ундан қўрққанлариданми, унинг бу сиридан воқиф бўлганликларини ўзига билдирмадилар. Ёлғиз эшик оғасигина афсус қилиб, бошини қашиди-ю, қўл силтаб қўя қолди. «Майли, бўлар иш бўлибди! Бой хотин билмаса бўлгани!» Аммо соқов ҳеч қачон бу кунгидек зўр ғайрат кўрсатиб ишламаган эди: бутун ҳовлини тозалаб, ёғ тушса ялағудек қилиб чиқди, ўтларни битта қолдирмай юлиб ташлади, гулзор атрофидаги қозиқлар маҳкамми-йўқми, текшириб кўрмоқ учун, уларни бир бошдан қўли билан суғуриб, яна ўз ўрнига қоқиб қўйди, хуллас, шу қадар ғайрат ва ҳиммат билан ишладики, ҳатто бой хотин ҳам унинг бу ҳаракатига эътибор қилди. Герасим кун давомида яширинча бориб, итдан икки бор хабар олиб келди; кечаси эса у билан ҳужрада ётди ва фақат соат иккилардагина тоза ҳавода баҳра олсин учун итни эргаштириб ташқарига чиқди. Ҳовлида у билан анча айланиб юриб, эндигина қайтиб кетмоқчи бўлган ҳам эдики, қўққисдан девор орқасидан, тор кўча томондан шарпа эшитилди. Муму қулоқларини диккайтириб, вовиллаб, девор тагига келиб, искаб кўрди ва қаттиқ чинқириб вовуллаб бошлади. Аллақандай маст одам тунда шу ерда тунамоқчи бўлган экан. Бой хотин узоқ «асабий беоромликдан» кейин худди шу пайтда эндигина уйқуга кетган эди: у кечқурунлари ҳаддан зиёд тўйиб овқат еганда доим ана шундай бетоқат бўларди. Итнинг қўққисдан вовиллаб юбориши уни уйғотиб юборди: унинг юраги қаттиқ ура бошлади ва тўхтаб қолди.

— Қизлар, ҳой қизлар!— деб ингради у.— Қизлар!



Қўрқиб қути ўчган қизлар унинг ётоғига югуриб келишди.

— Оҳ, оҳ, ўламан!— деди у қўлларини ғамгин қимирлатиб.— Яна, яна ўша ит!.. Оҳ, докторни чақиринглар. Улар мени ўлдиришмоқчи... ит, яна ит! Оҳ!— деди ва бошини орқасига ташлаб юборди, бу ҳол унинг беҳуш бўлганидан дарак берарди.

Докторни, яъни уй табиби Харитонни чақириш учун югургилаб қолишди. Бу табиб, бор-йўқ ҳунари таг чарми юмшоқ этик кийиб юришдан, назокат билан томир кўри билишдан, бир кечаю кундузда ўн тўрт соат ухлаб, қолган вақтида оҳ тортиб юришдан ва дам ўтмай дафна томчисини бой хотинга келтириб тутишдан иборат бўлган шу табиб бир зумда етиб келди, жизғинак қилинган патни чекиб олди ва бой хотин кўзини очиши биланоқ кумуш патнисчада ҳалиги дори солинган рюмкани унга узатди. Бой хотин дафна томчисини ичди, аммо шу замоноқ йиғлоқи товуш билан итдан, Гавриладан, ўз тақдиридан шикоят қилиб, мен муштипар кампирни ўз ҳолимга ташлаб қўйдилар, менга ҳеч ким ачинмайди, ҳамма менинг ўлимимни тилайди, деб зорлана бошлади. Шу орада шўрлик Муму яна вовуллай берди. Герасим эса уни девор ёнидан чақириб олишга беҳуда ҳаракат қилар эди.

— Мана... мана... тагин!— деди мадорсиз товуш билан бой хотин ва яна кўзларини юмди.

Табиб шу ердаги аёлга алланима деб пичирлади, у югуриб даҳлизга чиқди, туртиб Степанини уйғотди. У Гаврилайни уйғотишга югурди. Гаврила ҳеч ўйлаб-нетиб турмай, уйдагиларнинг ҳаммасини уйғотишга буюрди.

Герасим қайрилиб қараган эди, деразаларда милтиллаб турган чироқ ёруғини ва одамлар қорасини кўрди, бирор бахтсизлик рўй беришини сезиб, Мумуни қўлтқлаб олди-да, ҳужрасига қараб югурди, эшикни маҳкам бекитиб олди. Бир неча дақиқадан кейин беш киши келиб унинг

эшигини итара бошлади, лекин тамбанинг маҳкамлигини сезиб тўхтадилар. Гаврила ҳаллослаб келиб, ҳаммангиз эрталабгача шу ердан қимирламай, пойлаб ўтиринг, деди, сўнг ўзи чошиб хизматкор аёллар уйига бориб, чой, қанд ва озиқ-овқатларни биргаликда ўғирлайдиган ва ҳисоб юргизадиган бош компаньонка<sup>1</sup> Любовь Любимовнага: бекага айтинг, бахтга қарши, ит аллақаердан яна қочиб келибди, лекин эртагаёқ у тирик қолмайди, бека шафқат қилсинлар, ғазабланмасинлар, тинчлансинлар, деди. Бой хотин унча ҳам тез тинчлана қолмасди, лекин табиб шошганидан, ўн икки томчи ўрнига бирданига қирқ томчи қуйиб юборипти: дафна томчиси таъсир қилди — чорак соат ўтгач, бой хотин қаттиқ ва тинч ухлаб қолди; аммо Герасим ранги бўздек оқариб, Мумунинг оғзини маҳкам юмиб, ўз каравотида ётар эди.

Эрталаб бой хотин анча кеч уйронди, Гаврила Герасимнинг бошпанасига қатъий ҳужум қилишга буйруқ бериш учун бой хотиннинг уйғонишини кутиб турди, ўзи эса зўр даҳшатга бардош беришга ҳозирланар эди. Лекин даҳшат юз бермади. Бой хотин ўринда ётган жойида бош приживалкани ўз ёнига чақиртирди.

— Любовь Любимовна, — деб гап бошлади у мулойим ва хаста товуш билан: баъзан у жафо чеккан гариб ва ҳасратли одамдек муомала қилишни яхши кўрарди; бундай ҳолларда уйдагилар жуда ноқулай ҳолга тушиб қолардиларки, буни айтиб туришнинг ҳам ҳожати йўқ. — Любовь Любимовна, менинг аҳволимни кўриб турибсиз, жонгинам, Гаврила Андреичга бориб айтинг: наҳотки аллақандай бир ит унга ўз бекасининг оромидан, ҳаётидан азиз бўлса? Менинг бунга ишонгим келмайди, — деб илова қилди у чу-

---

<sup>1</sup> Компаньонка — бойлар уйида хотин-қизларни бирор ёнча кузатиб бориш ва вақтларини хуш қилиш учун ёлланиб ишловчи аёл.

қур нафас олиб:— бора қолинг, жонгинам, умргинангиздан барака топинг, Гаврила Андреичга бориб айтинг.

Любовь Любимовна Гавриланинг уйи томон йўл олди. Улар нима тўғрисида гаплашганликлари номаълум, лекин орадан бир неча минут ўтгач, бир тўда одам ҳовлидан Герасимнинг ҳужрасига қараб йўл олди: Гаврила, гарчи шамол бўлмаса ҳам, шапкасини қўлида тутиб олдида борарди, унинг ёнида уй хизматкорлари ва ошпазлар келишарди; Қуйруқ амаки деразадан қараб, буйруқ бериб турар, яъни фақат қўлларини уёқ-буёққа силтар эди, холос; орқада бир тўда болалар сакрашиб шўхлик қилишарди, уларнинг ярми шу атрофдан йиғилиб келган болалар эди. Ҳужрага чиқадиган тор зинапояда битта пойлоқчи турар, эшик ёнида икки киши қўлида таёқ ушлаб турарди. Зинапоядан чиқа бошладилар. Зинапоя одамга лиқ тўлди. Гаврила эшикка келиб, уни мушти билан қоқиб, қичқирди:

— Оч!

Итнинг бўғиқ товуши эшитилди, аммо жавоб бўлмади.

— Оч дейман!— деб такрорлади у.

— Айтмоқчи, Гаврила Андреич, у кар-ку, ахир, эшитмайди,— деди пастдан туриб Степан.

Ҳаммалари кулишди.

— Хўш, нима илож қиламиз?— деди юқоридан Гаврила.

— Эшигининг тешиги бор, шу тешикдан таёқ тиқинг,— деб жавоб берди Степан.

Гаврила энгашиб қаради.

— Эшикка чакмон тиқиб беркитиб қўйибди.

— Сиз чакмонни ичкарига итариб юборинг.

Яна бўғиқ вовиллаган товуш эшитилди.

— Қара, қара, ўзини-ўзи билдириб қўйяпти,— дейишди одамлар ва яна кулишди.

Гаврила қулоғининг орқасини қашлади.

— Йўқ, оғайни, агар истасанг; чакмонни ўзинг итариб юбора қол,— деди у ниҳоят.

— Нима ҳам дердик, рухсат этинг!

Степан шошиб-пишиб юқори чиқди, таёғини қўлига олиб, чакмонни тешикдан ичкари итариб юборди ва «Чиқ-чиқ!» деб таёқни тешикка суқиб ликиллата бошлади. У таёқни ликиллатаётганда қўққисдан ҳужранинг эшиги тарс очилди — ҳамма хизматкорлар зинапоядан ўзларини ташлаб урра қочишди. Ҳаммадан олдин Гаврила қочди. Қуйруқ амаки эса деразани ёлиб олди.

— Ҳой, ҳой, ҳой, менга қара, менга қара!— деб ўшқирди Гаврила ҳовлидан туриб.

Герасим остонада қимирламай турарди. Аламон зинапоя тагига тўпланди. Герасим юқорида туриб, қўлларини белига хиёл тираган ҳолда, немис чакмонини кийган бу юраксиз одамларга қараб турарди; устида деҳқонча қизил кўйлаги бўлган Герасим улар олдида худди паҳлавон эди. Гаврила бир қадам олға босди.

— Менга қара, тўполон қила кўрма,— деди у.

У Герасимга, бой хотин итингни талаб қилмоқда, сўз бўлиши мумкин эмас, итни ҳозироқ бер, бўлмаса ҳолинг ёмон бўлади, деб имо-ишора билан тушунтира бошлади.

Герасим унга разм солиб қаради-да, қўлларини бўйнига келтириб, сиртмоқ қилиб итни кўрсатди ва эшик оғасига савол назари билан тикилди.

Эшик оғаси бошини қимирлатиб:

— Шундоқ, шундоқ, албатта, беришинг керак,— деди.

Герасим бошини қуйи солди, сўнг бирдан силкинди, ҳамон ўз ёнида ҳеч нарсадан беҳабар думини ликиллатиб ва қулоқларини чимириб турган Мумуни яна кўрсатиб, ўз бўйнини ушлаб, бўғиб ўлдириш ишорасини такрорлади-да, Мумуни ўзим бўғиб ўлдираман, дегандек кўкрагига қаттиқ муштлади.

— Йўқ, сен алдайсан,— деб ишора қилди унга Гаврила.

Герасим унга бир тикилди-ю, нафрат билан кулиб, яна ўз кўкрагига урди-да, эшикни ёпиб олди.


— Бунинг маъноси нима бўлди? У эшикни бекитиб олди-ку?— деди Гаврила.

— Қўяверинг, Гаврила Андреич,— деди Степан:— ваъда бердим, бажаради. У шундай одам... ваъда бердим, албатта бажаради. Бунақа масалада у бизларга ўхшамайди. Тўғрини тўғри демоқ керак. Ҳа.

— Шундоқ. Ҳақ гап. Ҳа,— деб такрорлашди йиғилганлар ҳаммаси ва бошларини қимирлатиб тасдиқлашди.

Қуйруқ амаки деразани очди ва у ҳам: «Шундай» деб тасдиқлади.

— Эҳтимол шундайдир, кўрамиз!— деди Гаврила:— Ҳар қалай қоровул турсин. Ҳой, Ерошка!— деб қўйди у дағал сариқ матодан калта чакмон кийган, бу ҳовлининг боғбони ҳисобланувчи ранги заҳил бир одамга мурожаат



қилиб,— сен нима ҳам қилардинг! Қўлингга таёқ тутиб, мана бу ерда ўтир ва бирор ҳодиса юз бера қолса, дарров менинг олдимга чоп!

Ерошка таёқни ушлаб, зинапоянинг пастки поғонасига ўтирди. Одамлар тарқалишди, бу ерда томошани яхши кўрувчи бир неча киши ва болалар қолди, холос. Гаврила уйга қайтиб келди-да, Любовь Любимовнага, фармойишингиз бажо келтирилди, деб бекага маълум қилинг, деди, ўзи эса ҳар эҳтимолга қарши, бош аравакашни полиция-хонага юборди. Бой хотин дастрўмолининг учини тугиб, унга одеколон қўйди, бир ҳидлаб чаккаларига сурди ва нонушта қилиб, дафна томчисининг таъсири ҳали ҳам кетмаганидан яна уйқуга кетди.

Шу ғалвалардан кейин орадан бир соат ўтгач, ҳужранинг эшиги очилди ва ундан Герасим чиқиб келди. У ясан чакмонини кийиб олган ва Мумуни тизимчага боғлаб олиб борарди. Ерошка ўзини бир четга олиб, унга йўл бўшатди, Герасим дарвозага қараб юрди. Болалар ва ҳовлидаги одамлар ҳаммаси жимгина унинг орқасидан қараб қолдилар. У ҳатто қайрилиб ҳам қарамади, шапқасини кўчага чиққандагина кийиб олди. Гаврила ҳалиги Ерошкани унинг кетидан пойлоқчи қилиб юборди. Ерошка узоқдан у ити билан майхонага кириб кетганини кўрди ва унинг чиқшини кутиб турди.

Майхонадагилар Герасимни танир ва унинг ишораларини тушунар эдилар. У гўштли шўрва беришларини сўради ва икки қўлини столга тираб ўтирди. Муму зийрак кўзлари билан баҳузур унга тикилиб, стол ёнида ўтирарди. Унинг юнглари ялтираб турарди: унинг ҳалигина яхшилаб тозаланганлиги сезилиб турар эди. Герасимга шўрва келтирдилар. У шўрвага нон тўғради, гўштини майдалаб тарелкани полга қўйди. Муму одатдагидек одоб билан овқатга гумшугини хиёл тегизиб, шўрвани ича бошлади. Герасим унга узоқ тикилиб турди, бирдан унинг кўзлари-

дан икки дона катта-катта томчи ёш оқиб тушди: ёш томчисининг бири итнинг пешонасига, иккинчиси шўрвага тушди. У кафтлари билан юзини бекитди. Муму тарелкадаги шўрванинг ярмини ичди-ю, лабларини ялаб, бир четга бориб турди. Герасим ўрнидан туриб, шўрванинг пулини тўлади-да, чиқиб кетди, майхона хизматкори бир оз ажабланиб, унинг орқасидан қараб қолди. Ерошка Герасимни кўрган ҳамоно ўзини бурчакка олди, уни ўтказиб юбориб, яна кетидан тушди.

Герасим шошмай борар, Мумуни ипидан бўшатмас эди. У кўча муюлишига етгач, хаёл сургандек тўхтаб қолди ва бирданига жадал қадам ташлаб тўппа-тўғри Крим Бродига қараб кетди. Йўлда у уй ёнида янги иморат солинаётган бир ҳовлига кириб, ундан иккита гиштни қўлтиғига қисиб олди. У Крим Бродидан қирғоққа томон бурилиб, эшакларини ичига солиб қозиққа боғлаб қўйилган икки қайиқ ёнига борди, бу қайиқларни у олдин кўзлаб қўйган



эди, Муму билан бирга шу қайиқлардан бирига тушиб олди. Полизнинг бир четидаги қапа ичидан бир чол чиқиб, унга қичқирди. Аммо Герасим фақат унга қараб бош силкиди-ю, дарё оқимиға қарши боришиға қарамай, қайиқ эшакларини шунча тез эшиб ҳайдадики, бир зумда юз саржин нарига бориб қолди. Чол турди-турди-да, аввал чап қўли билан, сўнг ўнг қўли билан елкасини қашиди, охири оқсоқланиб қапага кириб кетди.

Герасим эса ҳамон қайиқни жадал ҳайдаб борарди. Мана, Москва ҳам орқада қолиб кетди. Ана, соҳил бўйлаб пичанзорлар, полизлар, дарахтзорлар тизилишиб ўта бошлади. Ана, уйлар ҳам кўринди. Қишлоқ иси кела бошлади. У эшакларни қўйиб, қайиққа кўндаланг қўйилган тахта устида олдида ўтирган Мумуга энгашиб (қайиқ тубига сув йиғилиб қолган эди), забардаст қўллари билан унинг елкасидан тутганича қимирламай туриб қолди, ваҳоланки, сув тўлқини қайиқни аста-аста шаҳар томонга, орқага суриб борар эди. Ниҳоят, Герасим даст кўтарилди, йўлдан олган ғиштларини юзларида аллақандай алам изтиробида арқонга боғлади, арқоннинг учини сиртмоқ қилиб, Мумунинг бўйнига солди ва уни баланд кўтариб, сўнгги марта унга тикилиб боқди... ит соддалик билан ва ҳеч чўчимамай, қўрқмай унга қараб турар, думини секингина ликиллатар эди. Герасим тескари қараб олди, кўзларини чирт юмиб, қўлларини бўшатиб юборди. У ҳеч нарсани: гарқ бўлиб бораётган Мумунинг зорланиб тез-тез вангиллашини ҳам, сувнинг оғир чайқалишини ҳам эшитмади; энг тинч кечаларнинг ҳеч бири биз учун унсиз бўлмагандек, энг шовқинли кун унинг учун жим ва товушсиз эди. У яна кўзларини очиб қараганда, кичик-кичик тўлқинлар гўё бир-бирларини қувишгандек боягидай дарё бетида жадал чопишар, қайиқнинг сиртига урилар, чайқалар ва фақат узоқ-узоқларда, орқа томондагина қандайдир кенг ҳалқалар қирғоққа қараб югуришар эди.



Ерошка Герасим кўздан ғойиб бўлган ҳамоно уйга қайтиб келди ва кўрганларининг ҳаммасини гапириб берди.

— Албатта,— деди Степан.— У кучукни сувга ғарқ қилиб юборадн. Хотиржам бўлаверса бўлади. Ваъда бердимн...

Герасимни кунбўйи ҳеч ким кўрмади. У уйга келиб овқатланмади. Кеч кирди, ҳамма кечки овқатга йиғилди, булар орасида ёлғиз Герасимгина йўқ эди.

— Бу Герасим ғалати одам,— деди йўғон гавдали кирчи хотин чийиллаб:— бир итни деб шунча бекор юриш мумкинми... Ажаб!

Степан товоқдаги кашага қошиқни ботира туриб:

— Герасим ҳалигина шу ерда эди,— деб хитоб қилди.

— Нима? Қачон?

— Атиги икки соатгина бўлди. Йўқса-чи. У билан дарвоза олдида учрашдим; у яна бу ердан, ҳовлидан чиқиб кетди. Ундан итни нима қилдинг, деб сўрай дедиму, лекин авзойи бузуқ кўринди. Аммо мени ҳазилакам ҳам туртиб юбормади; йўлни тўсма, нари турсанг-чи, демоқчи бўлди шекилли, қурғур ўша баҳайбат гавдаси билан шундай қаттиқ туртдики, умуртқам синай деди, вой, вой-ей!— Степан беихтиёр кулиб, елкасини қашиб қўйди.— Ҳа, унинг қўлига тасанно,— деди илова қилиб,— қўли гул, бу ҳақ гап.

Ҳаммалари Степандан кулишди ва кечки овқатдан сўнг ухлашга тарқалишди.

Шу вақт Т... тош йўлида жуда улкан бир одам елкасида тугун, қўлида узун таёқ тутиб жадал борар эди. Бу одам Герасим эди. У ёнверига қарамай, уйига, ўз қишлоғига, туғилиб ўсган юртига томон жадаллаб борарди.

У Мумуни ғарқ қилиб, ўз ҳужрасига келди, баъзи улбулларини отнинг эски ёпиғига тезгина ўраб боғлади-да, елкасига ташлаб олиб, уйдан чиқиб кетди. Бой хотин уни қишлоқдан Москвага олдириб келаётганида у йўлни яхши эслаб қўйган эди; унинг қишлоғи шу тош йўлдан йигирма

беш чақирим нарида эди, холос. У, бу тош йўлдан қандайдир зўр жасорат, шиддат билан, қувончли қатъият билан борарди. Кўкраги кенг очилиб, кўзларини тўппа-тўғри олға тикиб борарди. Гўё ўз юртида кекса онаси уни кутаётгандек, бегона юртда, бегона одамлар орасида саргاردон бўлиб юргандан кейин онаси уни чақираётгандек ошиқиб борарди... Эндигина бошланган ёз кечаси сокин ва илиқ эди; бир томонда, қуёш ботган тарафда, кўкнинг бир чети ғойиб бўлган кундузнинг сўнгги шуъласи билан ҳали оқаринқираб ва хиёл қизариб кўринарди, иккинчи томонда эса, зангори, қадимий қоронғилик бостириб келмоқда эди. Тун шу ёқдан келарди. Атрофда юз-юзлаб беданалар сайрашар, тўрғайлар бир-бирларидан ўзиб хониш қилар эдилар... Герасим бу овозларни эшитмасди, у кучли оёқлари билан жадал қадам босиб кетиб бораркан, ёнверидаги дарахтларнинг тунги нозик шитирлашларини ҳам эшитмасди, лекин у пишиб келаётган жавдарнинг қоронғи далаларни тутиб эсаётган таниш хушбўй исини сезарди, рўпарасидан, юртидан эсаётган майин шабада юзига уриб, соч ва соқолларини сийпаб ўтаётганини сезарди; ўз олдида оқариб турган йўлни — уйига томон худди камон ўқидек тўппа-тўғри кетган йўлни кўрарди; ўз йўлини ёритиб турган беҳисоб юлдузларни кўрар ва шердек кучли, бардам қадам ташлаб борарди, шундай шаҳдам қадам ташлардики, кўтарилиб чиқаётган қуёш ўзининг қизғиш нурларини узоқ йўл босиб ўтган азаматга сочганда, Москва билан унинг орасида ўттиз беш чақирим йўл орқада қолган эди...

Икки кундан сўнг у уйига, ўз кулбасига етиб келган эди, бундан унинг уйига кўчиб кирган солдат хотини жуда ҳайратда қолди. У бут олдига бориб чўқинди-ю, шу заманоқ оқсоқолга борди. Оқсоқол аввал бошда ҳайрон бўлиб турди; лекин пичан ўроғи эндигина бошланган эди. Герасим энг яхши меҳнаткаш бўлганидан шу ондаёқ унинг

қўлига чалғи ўроқ тутқаздилар, у аввалгидек қулочларини кенг очиб ўроқ ўришга киришди, чалғи ўроқни шундай зарб билан солардики, мужиклар унинг қулочкашлашига ва хашакни қамраб олишига таҳсин билан қараб турардилар...

Москвада эса Герасим қочиб кетган куннинг эртасига уни ахтара бошладилар. Унинг ҳужрасига бориб, тит-пит қилиб қарадилар ва келиб Гаврилага айтдилар. У келиб қаради, елкасини қисиб соқов ё қочиб кетган, ёки ўз ити билан бирга ғарқ бўлган, деган фикрга келди. Полицияга хабар қилдилар, бой хотинга маълум қилдилар. Бой хотин ғазабланди, йиғлаб юборди ва ҳар нарса қилиб бўлса ҳам уни топинглар, деб буюрди, итни ўлдиришни ҳеч буюрган-ним йўқ, деб тасдиқлай бошлади ва ниҳоят, Гаврилани шундай сиқиқ остига олдики, у кунбўйи бошини чайқаб, то Қуйруқ амаки: «Хўш!» деб уни мазах қилмагунча, «Хўш!» деб юраверди. Ниҳоят, Герасимнинг қишлоққа кетганлиги тўғрисида у ердан хабар олинди. Бой хотин бир оз тинчланди: дастлаб у Герасимни дарҳол Москвага қайтариб келтиришга фармойиш бермоқчи бўлди, бироқ, кейин, менга яхшиликни билмайдиган бунақа одамнинг ҳеч кераги йўқ, деди. Аммо шу воқеадан кейин орадан кўп ўтмай, унинг ўзи дунёдан ўтди; ворислари эса Герасимни эсга ҳам олмадилар, улар оналарининг бошқа хизматкорларини ҳам чорикор қилиб тарқатиб юбордилар.

Герасим ҳануз ўз уйида оиласиз танҳо яшайди; у аввалгидек соғлом ва бақувват, аввалгидек бир ўзи тўрт кишининг ишини қилади, аввалгидек улўғсифат ва вазмин. Қўни-қўшнилар у Москвадан қайтиб келганидан буён хотинлар билан борди-келди қилмайдиган, ҳатто уларга қарамайдиган ва битта ҳам ит асрамайдиган бўлиб қолганлигини пайқадилар. «Дарвоқе,— дейишади мужиклар — хотинлар билан аралашмаслиги унинг бахти, аммо итга

келганда, ит унга нима даркор! Унинг ҳовлисига ўғрини  
бўйнидан арқон солиб судраб ҳам келтира олмайсан!»  
Соқовнинг паҳлавонлиги ҳақида ана шундай гаплар  
юради.




# БЕЖИН ЎТЛОҒИ

(«Овчининг хотира дафтари»дан.)

---





Июль ойининг гўзал куни, яъни об-ҳаво узоқ вақт бир қиёмда тургандагина рўй берадиган чиройли кунларнинг бири эди. Эрта тонгдан бошлаб кўк юзи очиқ; эрталабки шафақ унчалик қиздирмайди: у оч-қизғиш тусда ёйилади. Қуёш жазирама қурғоқчилик вақтларидагига ўхшаб қизғин ва ҳароратли эмас, бўрон олдидан бўладигандек хира-қизил тусда ҳам эмас, балки ёруғ бўлиб, камбар ва узун булут парчаси остидан астагина қалқиб чиқмоқда, майин ярқираб, қизғиш-зангор булут туманлари қўйнига яширинмоқда. Узун булут парчасининг устки, нозик чети чақмоқ чаққанда ҳосил бўладиган яшин изи каби ялтираб кўринади; у кумушдек ялтирайди... Уйноқи, шўх нурлар яна бирдан оламга таралди, худди юқорига парвоз қилгандек, ҳашамат ва дабдаба билан қудратли қуёш чиқди. Пешинда одатда, баланд осмонда нозик оқ қиррали жуда кўп заррин-кулранг юмалоқ булутлар пайдо бўлади. Улар тиниқ сувли чуқур зангори йилғалардан иборат чексиз кенг дарёдаги чочов ороллар сингари, ўз жойларидан

қўзғалмай тек тургандек кўринади, нафироқда, осмоннинг уфққа яқин ерида улар бир-бирларига ёндашадилар, сиқилишадилар, ўрталаридаги зангөр ранг кўздан ғойиб бўлади; лекин уларнинг ўзлари ҳам осмон сингари очсангөр тусдадир; уларнинг ҳаммаси илиқ нур эмиб, ёришиб кўринади. Осмоннинг оқиш-гунафша туси кунбўйи ўзгармай, ҳамма ерда бир хил туради: ҳеч қаерда булутлар қуюқлашмайди ва улар бир-бирига қўшилмаганлиги учун ҳеч қаерда момақалдироқ кучаймайди; фақат баъзи ерларда юқоридан пастга қараб оч-кўк рангли йўл-йўл излар пайдо бўлади — у ерда ёмғир қуйяпти. Кечқурун бу булутлар кўздан ғойиб бўлади. Уларнинг қорамтир ва ноаниқ шаклда бўлган энг сўнггилари, худди тутун сингари ботаётган қуёшнинг рўпарасига ўтиб пушти рангда бурқирайди; осмонга тинч ва осойишта кўтарилган қуёшнинг худди шундай тинч ва осойишта ботган жойида — қоронғилашаётган ер устида бир оз вақтгача қизил шуъла пайдо бўлади, бу шуъла устида эҳтиёт билан кўтариб борилаётган шам сингари астагина милтиллаб кечки юлдуз ёниб туради. Бундай кунларда ҳамма ранглар тиниқ-нозик ва равшан бўлади. Аммо кўз қамаштирадиган даражада ўткир бўлмайди; ҳамма нарсада кўнгилга ором берувчи қандайдир бир майинлик аломатлари бор. Бундай кунларда ҳаво баъзан жуда исиб кетади, баъзан эса, ҳатто далалар қўйнидан «буғ» чиқиб туради: лекин шамол бу жазирама иссиқни ҳайдайди, тарқатиб юборади ва об-ҳавонинг доимийлигини кўрсатувчи шубҳасиз белги бўлган уюрмаларнинг баланд оқ устунлари дала йўлларида сайр этиб юради. Қуруқ ва тоза ҳаводан эрман, ўрилган жавдар ва қорабуғдойнинг ёқимли ҳиди келади; кечанинг бошланишига бир соат қолганда ҳам сиз ҳавода намлик сезмайсиз. Деҳқон ғаллани ўриб-йиғиб олиш вақтида об-ҳавонинг ана шундай бўлишини хоҳлайди...

Худди шундай кунларнинг бирида мен Тула губернаси-



нинг Черн уезида карқур овлаб юрардим. Мен анчагина парранда отиб олдим; халтам тўлиб кетиб, оғирлигидан елкаларимни қияр эди; лекин шафақ сўниб борарди ва уфқ орқасига ботган қуёш ўткир ёғдуларини сочмаса-да, ҳамон ёришиб турган осмон қоронғилашиб, ҳаво совий бошлади, шу вақтда мен уйимга қайтмоқчи бўлдим. Тез-тез юриб, узундан-узоқ буталар «майдони»дан — бутазордан ўтдим, тепаликка чиқдим, қарасам, ўнг томони дуб дарахтзори ва нарироғида пастаккина оқ черкови бўлган ўзимга таниш яйлов деб гумон қилган жойимга эмас, балки бутунлай бошқа, кўрмаган жойларга келиб қолибман. Рўпарамда — пастда тор водий бор эди; тўппа-тўғримда қоматини баланд кўтариб тоғ теракзори кўринарди. Нима қилишимни билмай, тўхтадим... «Эҳ! Жуда ҳам ўнг томондан юриб, бутунлай бошқа ерга келиб қолибман-ку», деб ўйладим ва йўлдан адашганимга ўзим таажжубланиб, тепаликдан дарров пастга тушдим. Шу онда аъзойи баданим бўшашиб, жунжикиб кетди, ўзимни гўё зах бир ертўлага кириб қолгандек ҳис қилдим; баланд ва қалин ўсган кўкатлар шабнам еб, водий қўйнида оқ дастурхон каби ёйилиб ётарди; бу кўкатлар устидан юриш ваҳимали кўринарди. Мен қийинлик билан йўлимни тезгина бошқа томонга буриб, чап томондан, тоғ теракзори бўйлаб юриб кетдим. Кўршапалаклар ўрмондаги дарахтларнинг ҳаракатсиз учлари устида сирли равишда айланиб ва ғирашира ёруғ осмонда пирпираб учиб юрарди; овдан кеч қайтган қарчиғай ўз уясига тезроқ етиб олиш учун баланддан ўқдай учиб ўтди. «Мана, энди мен анави бурчакка бориб олсам,— деб ўйладим ичимда,— дарров йўлни топаман; бир чақирим йўлни ортиқча юриб қўйибман-а!»

Ниҳоят, ўрмоннинг бурчагига етиб олдим, аммо у ерда ҳеч қандай йўл йўқ эди: олдимда ўроқ тегмаган аллақандай пакана буталар ёйилиб ётар ва улар орқасида, узоқларда кимсасиз дала кўринарди. Мен яна тўхтадим. «Бу

қандай гап?.. Қаерда турибман?» Кунбўйи қай йўл билан қаерга борганимни эслай бошладим... «Э! Ҳа, бу, Парахин бутазорику!— деб юбордим ажабланиб.— Ҳув анови кўринган худди Синдеев дарахтзорининг ўзгинаси бўлиши керак... Мен қандай қилиб бунчалик узоқ жойга келиб қолдим?.. Ғалати-я! Энди яна ўнг томонга қараб юришим керак».

Мен буталар орасидан ўнг томонга қараб кетдим. Бу вақтда қоронғи кеча чақмоқ ва момақалдироқ билан келадиган қора булутдек яқинлашиб келмоқда эди; кечки туман билан бирга қоронғилик ҳар томондан юқорига қараб кўтарилгандай ва ҳатто юқоридан пастга қуйилгандай туйиларди. Мен, одам юрмай ўт босиб кетган аллақандай йўл олдига чиқиб қолдим ва шу йўлдан юриб, рўпарамга диққат билан қараб бордим. Бутун атрофни тезда қоронғилик қоплади, ҳаммаёқни жимлик босди — баъзи-баъзида беданаларгина сайраб кўярди. Енгил қанотлари билан эшитилмас даражада астагина ва пастлаб учиб юрган кичкина бир қушча ўзини менга уриб олишига сал қолди-ю, лекин ҳуркиб дарров бошқа тарафга бурилди. Мен бутазорнинг четига чиқдим ва дала ўртасидан, уватлар устидан секин кета бошладим. Узоқдаги нарсаларни зўрға кўрардим: атрофимдаги дала билинар-билинмас оқариб турарди; унинг орқасидан, қуюқ тутун сингари бурқираб, ҳар дақиқада осмонга ҳайбатли бир қоронғилик кўтариларди. Совиб бораётган ҳавода қадам товушларим яхши эшитилмасди. Оқарган осмон яна мовий рангга кира бошлади, аммо бу энди тунги мовийлик эди. Унинг қўйнида юлдузлар милтиллаб кўринди.

Дарахтзор деб ўйлаган нарсам қора, юмалоқ бир тепалик экан. «Тавба, мен қаерда турибман?»— дедим яна овозимни чиқариб ва учинчи марта тўхтаб, тўрт оёқли махлуқларнинг энг ақллиси бўлган ва инглиз итлари зотидан тарқалган малла-човқар итим Дианкига савол наза-

ри билан қарадим. Аммо тўрт оёқли махлуқларнинг энг ақллиси думчасини ликиллатиб, ҳорғин кўзларини маъюс пирпиратиб қўя қолди-да, менга яхши маслаҳат бермади. Мен ундан уялиб кетдим ва қайси томонга юриш кераклиги тўсатдан миямга келиб қолгандек, жадаллик билан олға босдим, бир тепаликни ёқалаб ўтиб, унча ҳам пастқам бўлмаган ва ҳайдаб қўйилган ялангликка чиқиб қолдим. Шу он мен англашилмас бир кайфиятда қолдим. Бу яланглик қозонга ўхшарди; унинг ўртасида бир неча катта оқ тош ётарди,— тошлар гўё махфий кенгаш ўтказмоқ учун у ерга сурилиб боргандек туюларди,— бу жой шу қадар кўнгилсиз, хилват ва кимсасиз эдики, унинг устидаги осмон шундай мунгли ва маъюс кўринардик, юрагим сиқилиб кетди. Тошлар орасидан аллақандай кичкина бир жониворнинг заиф ва мунгли овози эшитилди. Мен орқамга қайтиб, тепаликка чиқиб олишга шошилдим. Ҳанузгача, йўлни топиб уйимга бориб оларман, деган умидда эдим: аммо энди қаёққа бораримни билмай бутунлай адашиб қолганимга қатъий ишондим ва шунинг учун, қоронғилик қўйнида кўздан ғойиб бўлаёзган теварак-атрофимдаги жойларнинг қандай жой эканлигини билишга тамомила қизиқмай қўйдим-да, юлдузларни мўлжал қилиб, таваккал билан тўғри қараб кетавердим... Оёғимни зўрға судраб босиб, ярим соатча шундай бордим. Умрим бино бўлиб бундай кимсасиз, хилват жойларни сира ҳам кўрмаган бўлсам керак; ҳеч қаерда ўт учқуни кўринмас ва ҳеч қандай товуш эшитилмас эди. Қетма-кет қия тепаликларга дуч келардим, кетма-кет чексиз далалардан ўтиб борардим, баъзи жойларда тўсатдан, бўйим барабар баланд ўсган буталар олдидан чиқиб қолардим. Мен шу ҳолда кетаётиб, эрталабгача бирор жойда тунаб қўя қолай, деган фикр билан билмасдан бир чуқур жар ёқасига бориб қолибман.

Жар лабига узатган оёғимни дарров тортиб олдим ва

кечанинг ғира-шира қоронғисида пастликда катта бир вадийни кўрдим. Менинг ёнимда ярим доира шаклида оқабатган кенг дарё водийнинг теварагидан айланиб ўтарди; сувнинг гоҳ-гоҳ ойнадек ялтираб жилва қилиши дарёнинг оқиб турганини кўрсатарди. Мен турган тепалик пастга томон жуда тик жар шаклида давом этарди; унинг ҳайбатли қора суммоти мовий осмон бўшлиғида ажралиб турарди ва шундоқ таккинамда, ҳалиги тик жар билан яланглик ўртасида ҳосил бўлган бурчакда, дарёнинг хира ойна сингари ҳаракатсиз турган жойидаги қирғоқ бўйида, тепаликнинг пастга тик тушган ерида — пастда, бир-бирига ёнма-ён икки гулхан қип-қизил аланга ва тутун чиқариб ёниб турарди. Гулханлар атрофида одамлар ивирсиб юрар, соялар тебранар, баъзан жингалак сочли кичкина калланинг олдинги ярим қисми гулхан ёруғида аниқ кўринарди...

Ниҳоят, мен қаерга келиб қолганимни билдим. Бу ўтлоқ бизнинг жойларда «Бежин ўтлоғи» деб донг чиқарган... Лекин уйга қайтиб кетишнинг, хусусан, кечаси кетишнинг ҳеч бир иложи йўқ эди; чарчаганимдан оёқларим букилиб кетай дейрди. Гулханлар ёнига бориб, тонг отгунча ўша ердаги кишилар ўртасида ўтирмақчи бўлдим (мен бу кишиларни от ва молларини сотишга ҳайдаб олиб кетаётган йилқичи бойлар ва уларнинг подачилари бўлса керак, деб ўйладим). Жардан пастга аста-секин туша бошладим, аммо осилиб тушаётганим энг сўнгги шохни қўлимдан энди қўйиб юборай деб турганимда бирдан иккита катта оқ бароқ ит қаттиқ вовуллаб мен томонга чопиб кела бошлади. Гулханлар атрофида болаларнинг қий-чуви кўтарилди; икки-уч бола ирғиб ўрнидан турди. Мен уларнинг шовқинларига жавоб қайтардим. Улар мен томонга югуриб кела бошлашди ва Дианкамнинг бу ерда пайдо бўлганига жуда ҳайрон бўлган итларини дарров чақириб олишди. Шундан кейин мен ҳам болалар ёнига бордим.

Мен гулхан атрофида ўтирган кишиларни, подачилар бўлса керак, деб янглишган эканман. Улар қўшни қишлоқдан келган деҳқон болалари бўлиб, пода қўриб ўтиришган экан. Иссиқ ёз вақтларида бизда кечалари отларни ўтлатиш учун далага чиқариб юборадилар: бу иш отларни кундуз куни пашша ва сўнага таланишдан сақлайди. Йилкини кечқурун ўтлоққа ҳайдаб олиб кетиш ва эрта саҳарлаб яна олиб келиш — деҳқон болалари учун катта бир байрам. Улар калта эски пўстинларни кийиб, бошяланг ҳолда шўх отларга миниб оладилар-да, оёқ-қўлларини силкитиб, шовқин-сурон ва қий-чув билан отни чоптириб кетадилар ва от устида баландга сакраб, хурсандликдан хахолаб куладилар. Уларнинг орқасидан кўчада юмшоқ сариқ чанг уюрмаси кўтарилади, от туёқларининг товуши узоқларга кетади, отлар қулоқларини чимириб чопиб борадилар; энг олдинда думини диккайтириб ва чигал ёлига тиканак ўтлар илашган аллақандай пахмоқсоч малла от чопиб боради.

Мен болаларга йўлдан адашиб қолганимни айтиб, ёнларига ўтирдим. Болалар менинг қаерлик эканимни сўрадилар, кейин улар жим бўлдилар, четландилар. Мен улар билан бир оз гаплашиб ўтирганимдан сўнг, барг ва шохлари ғажиб ташланган бир дарахтча тагига чўзилиб, теварак-атрофни томоша қила бошладим. Манзара ажойиб эди: гулхан атрофида ҳосил бўлган юмалоқ-қизғиш ёруғлик зулмат қўйнида жимирилаб туради ва гўё ҳаракатсиздек кўринади; аланга кучайиб, гоҳо шу қизғиш ёруғликнинг гардишидан ташқарига тез-тез шуълалар сочади; шуълалардан тарқалган ингичка заррин нурлар толларнинг яланғоч шохларига қадалади-да, бирдан ғойиб бўлади; бир лаҳзада узун соялар ёпирилиб чиқиб, гулханнынг олдигинасигача чопиб келарди: қоронғилик ёруғлик билан курашарди. Баъзи вақтда, яъни аланга сал пасайиб доира шаклидаги қизғиш ёруғ кичрайган пайтда, ҳамма ерни

қоплаб олган қоронғилик ичидан пешонаси қашқа ёки бутунлай оқ тўриқ отнинг калласи кўриниб қоларди, у узун кўкатни тез-тез чайнаб бизга диққат билан ва лекин маъносиз қараб турарди-да, кейин яна пастга энгашиб, кўздан ғойиб бўларди. Унинг кўкатларни чайнаши ва пишқириб қўйишигина эшитиларди. Еруғ жойдан қоронғида нима бўлаётганини кўриб бўлмайди, шунинг учун яқин атрофимизга қора парда ёйиб қўйилганга ўхшарди; аммо йироқда, уфққа яқин ерларда ўрмон ва тепаликларнинг узун, қора кўланкаси билинар-билинемас кўриниб турарди. Қоронғи, тиниқ осмон ўзининг бутун гўзаллиги ва малохатини бизга чексиз баландликлардан улуғворлик билан кўрсатиб турарди. Бошқа ҳидларга ўхшамаган, кўзларни хумор қиладиган ёқимли ҳиддан — рус юртининг ёз кечаларидаги ҳаётбахш ҳидидан нафас олиб, кўкрак ёқимли жимирларди. Ҳаммаёқ деярли жимжит эди... Баъзан, яқиндаги дарёда катта балиқ сувни тўсатдан шапиллатиб ўйнар ва қирғоқдаги қамиш сув тўлқинидан салгина тебраниб аста шитирлаб қўярди, холос... Гулханларда ёниб турган ўтгина чирсиллаб секин овоз чиқарарди.

Болалар ўт атрофида ўтиришарди; мени ғажиб ташламоқчи бўлган иккита ит ҳам шу ерда эди. Бу итлар анча вақтгача мендан ётсираб турдилар ва уйқули кўзларини қисган ҳолда ўтга бепарво қараб, гоҳ-гоҳ ириллаб қўярдилар. Улар бошда ирилладилар, кейин эса ниятларига ета олмаганларига афсуслангандек бўлиб секин чийиллаб овоз чиқардилар. Болаларнинг ҳаммаси бешта эди: Федя, Павлуша, Илюша, Костя ҳам Ваня. (Узаро гапларидан уларнинг номларини билиб олдим, ҳозир мен китобхонларни улар билан таништирмақчиман.)

Болаларнинг энг каттаси бўлган Федяни кўрсангиз, уни ўн тўрт яшар, деб ўйлар эдингиз. Бу — чиройли, нозик ва кичик юзли, жингалак малла сочли, қувноқ кўзли, қадди-қомати келишган бола бўлиб, табассумида ярим хур-

сандлик, ярим паришонлик аломати бор эди. Унинг бой оилага мансублиги ва далага бирор иш билан эмас, балки шунчаки бир эрмак учун чиққани ҳамма ҳаракатларидан кўриниб турарди. У сариқ жиякли ола чит кўйлак кийган эди; устига ташлаб олган янги чакмончаси кичкина, тор елкасида тушиб кетгудай бўлиб зўрға турарди; кўк камарига сочтароқ осиб олган эди. Қўнжи калта этиги отасиники бўлмай, ўзиники эди. Болаларнинг иккинчиси, яъни Павлуша пахмоқ, қора сочли, кулранг кўзли, кенг ёноқли, қонсиз оқ юзли, катта ва лекин чиройли оғизли, хумкалла, паканагина, қўпол гавдали, чўтир бола эди. Бу бола ҳақиқатан ҳам хунук бўлса-да, менга ёқди: у жуда маъноли ва тўғри қарарди, товушида ҳам қатъият бор эди. У кийими билан мақтана олмасди: кийими қўпол каноп кўйлак ва ямоқ иштондан иборат эди. Учинчи боланинг, яъни Илюшанинг анчагина кичик, қирғий бурунли, хира кўзли чўзинчоқ юзида касалларда бўладиган қандайдир маъносиз ташвиш аломатлари бор эди: унинг қисилган лаблари сира қимирламас, чимирилган қошлари ёзилмасди, у ўтга қарашга тоқат қилолмай, кўзларини пирпиратиб ўтирарди. Унинг ўта даражада оқ-сарик сочлари қулоғигача бостириб кийиб турган тайпоқ кийгиз шапкаси тагидан кокил сингари чиқиб ётарди. Оёғида янги лаптиси<sup>1</sup> ва янги пайтаваси бор эди; гавдасини уч марта айлантириб ўраб олган арқон озода қора чакмонини тортиб, ихчам қилиб турарди. Чамалаб қаралганда, бу бола ҳам, Павлуша ҳам ўн икки ёшдан ортиқ эмас эди. Ўн ёшларда бўлган тўртинчи бола — Костя ўйчан ва ғамли қарашлари билан менинг диққатимни ўзига жалб қилди. Унинг олмахонникига ўкшаб пастга қараб чўзилиб тушган, сепкил босган юзи кичкина, озғин эди; лаблари юпқалигидан зўрға билинади; аммо хира йилгиллаб турган катта қора кўзлари ки-

<sup>1</sup> Лапти — каноп шиппак, (тарж.).

шида галати бир таассурот қолдирарди. Унинг кўзлари алланарса демоқчи бўлгандай кўринса ҳам, аммо айтмоқчи бўлган нарсасини ифодалаш учун тилида, албатта, унинг тилида — битта ҳам сўз йўқ эди. У паст бўйли, нимжон бола бўлиб, кийимлари жуда оддий ва эски эди. Болаларнинг энг кичигини, яъни Ваняни мен аввал пайқабман: у уч бурчак чиптани ёпиниб, ерда ғужанак бўлиб, тинчгина ётар ва жингалак, малла сочли бошини чипта тагидан ҳар замонда чиқариб қўярди. Бу бола жуда бўлса саккиз ёшларда эди.

Шундай қилиб, мен бир четдаги дарахтча тагидан болаларга қараб ётардим. Гулханлардан бири устида қозонча осиглиқ турарди, унда картошка пишаётганди. Павлуша чўккалаб туриб, қозончадаги қайнаган сувга тарашанинг учини тиқиб, картошканинг пишган-пишмаганини текширарди. Федя жағини кафтига тираб ва чакмонининг этакларини ёпиб, чўзилиб ётарди. Илюша Костянинг ёнида ўтирар ва ҳамон кўзларини боягидай пирпиратарди. Костя бошини салгина энгаштириб, узоққа, аллақандай бир нуқтага қараб турарди. Ваня чипта тагида қимирламай, тинч ётганди.

Мен ўзимни ухлаганга солдим. Болалар аста-секин яна гаплаша бошладилар.

Улар дастлаб ҳар тўғрида, эртаги ишлари тўғрисида, отлар тўғрисида сўзлашдилар: Федя эса тўсатдан Илюшага қаради ва чала қолган гапни яна бошлаётгандай, ундан:

— Рости билан сен алвастини кўрганмисан?— деб сўради.

— Йўқ, мен уни кўрмаганман, иннайкейин, у кўзга кўринмайди ҳам,— деб тез жавоб қайтарди Илюша заиф товуш билан. Унинг товуши юзининг маъносиз ифодасига жуда ҳам мос эди.— Мен уни эшитганман... Бошқалар ҳам эшитган.



— Унинг уяси қаер экан?— сўради Павлуша.  
— Эски рольня<sup>1</sup>.  
— Сизлар фабрикада ишлайсизларми?  
— Бўлмаса-чи, ишлаймиз. Мен Авдюшка билан бирга қоғоз силлиқловчи бўлиб ишлайман.  
— Ҳали фабрика ишчисиман, дегин!  
— Қани, айтиб бер-чи, сен алвастининг шарпасини қандай эшитдинг?— деб сўради Федя.

— Мана бундай. Акам Авдюшка билан мен, иннайкейин Фёдор Михеевский, иннайкейин ғилай Ивашко, яна бошқа Ивашко, анови красний холмлик Ивашко-чи, ўша, иннайкейин яна Ивашко Сухоруков, иннайкейин яна бир қанча бошқа болалар ҳам бор эди; ҳаммамиз ўнтача киши эдик — сменамиздагиларнинг ҳаммаси бор эди; Рольняда тунаб чиқишга тўғри келди. Бошқа жойда тунашни назоратчи Назаров бизга тақиқлаб қўйди:— Болалар, уйга бориб овора бўлиб юрманглар,— деди,— эртага иш кўл, шунинг учун, болалар, уларингга борманглар,— деди. Биз ҳам тунаб қолдик, ҳаммамиз бирга ётдик. Бир вақт Авдюшка гап бошлаб:— Болалар, агар алвасти келса нима қиламиз?— деб қолди... Авдейнинг гапи битар-битмас, тўсатдан бир нарса тепамиздан юриб ичкарига кирди, биз пастда ётувдик, у бўлса тепадан, паррак олдидан кирди. Бир вақт, унинг гурсиллаб юргани, оёғи остидаги тахталарнинг эгилган ва қасир-қусир қилиб сингани эшитилди; мана, у бизнинг бошимиз устидан ошиб ўтди; бирдан шовиллаб, шалдир-шулдир қилиб паркка сув келди; паррак тақир-туқир қилиб айланиб кетди; аммо тарновнинг оғзи ёпиқ эди, шундай бўлса ҳам сув тарновдан пастга қараб

---

<sup>1</sup> Катта қозонлардаги суюқ қоғоз массаси човли билан сузиб олинадиган бино қоғоз фабрикаларида рольня ёки човлихона деб аталади. Бундай бино тўғоннинг олдида, паррак тагида бўлади. (Авторнинг изоҳи.).



оқиб кетаверди. Тарновни ким очиб юборди экан деб, ҳайрон бўлдик, паррак эса айланиб-айланиб, охири тўхтаб қолди. Ҳалиги нарса яна тепадаги эшик олдига борди, кейин нарвондан пастга туша бошлади, шошмасдан, битта-битта қадам қўйиб секин тушди; ҳар қадамида нарвон по-

роналарининг ғирчиллаган товуши эшитилиб турди... Кейин у бизнинг эшигимиз олдига келди, анча кутиб турди, бир вақт эшик тарақлаб очилиб кетди. Қўрқиб кетдик, аммо ҳеч нарса бўлмади... Бир замон қарасак, қозонлардан бирининг сим човлиси бирдан ўзидан-ўзи қимирлаб қолди, аста ердан кўтарилиб, ҳавода лапанглаб айланиб юрди, анча юрди-ю, кейин яна жойига келиб тўхтаб қолди. Кейин бошқа қозоннинг ҳалқаси миҳидан чиқиб кетди, сал баландга кўтарилди-ю, яна қайтиб жойига тушди; иннайкейин бир нарса эшик томонга юрди-да, худди касал қўйга ўхшаб хириллаб қаттиқ йўталди. Ҳаммамиз бирдан ерга йиқилдик-да, бир-биримизнинг пинжимизга кириб кетдик... Уша пайтда қўрққанамиздан юрагимиз тарс ёрилаёзди!

— Уни қара-я!— деди Павел.— Уни нега йўтал тутибди.

— Билмадим, намгарчиликдан йўталган бўлса керак. Ҳамма жим бўлди.

— Картошка пишдимиз?— деб сўради Федя.

Павлуша қозончадаги картошкаларга чўп суқиб кўрди.

— Йўқ, ҳали хом... Балиқнинг сакраб сувни шапиллатиб ўйнашини қара,— деб қўшиб қўйди у, дарё томонга юзини ўгириб,— чўртанбалиқ бўлса керак... Ана, юлдуз учиб тушди.

— Ҳа, болалар, мен сизларга бир нарса айтиб берман,— деди Костя ингичка овоз билан:— Қулоқ солинглар, отам буни яқиндагина менинг олдимда гапирган эди.

— Хўп, айтавер, эштамиз,— деди Федя итоаткорона тусда.

— Сизлар слободка дурадгори Гаврилани биласизлар-а?

— Ҳа, албатта, биламиз.

— Унинг доим хафа бўлиб, индамай юришининг сабабини ҳам биласизларми? Уни хафа қилган нарсани мен сизларга айтиб бераман: бир кун у, деди отам, ёнғоқ те-

риб келгани ўрмонга кетибди-да, йўлда адашиб қолибди, бир жойга,—оғайнилар, қаергалигини худо билади,—борибди. Юраверибди, юраверибди, аммо, йўлни сира ҳам тополмабди; кеч кириб, қоронғи туша бошлабди. Шунда у дарахт остига ўтириб, тонг отишини кутмоқчи бўлибди, ўтириши билан кўзи уйқуга кетибди. Уйқу аралаш ўзини биров чақирганини эшитибди. Уйғониб қараса, ҳеч ким йўқ эмиш. У яна мудрай бошлабди, уни яна биров чақирибди. Кўзини очиб атрофига қараса, рўпарасидаги дарахт шохида сув париси арғимчоқ учиб ўтирган эмиш, пари уни, бери кел, деб имлаб чақирар, ўзи эса қотиб-қотиб кулар эмиш... Ой эса жуда ёруғ, шундай ёруғ эканки, оғайнилар, ёруғлигидан ҳамма нарса баралла кўришиб турган экан. Сув париси уни чақирибди-да, ўзи оппоқ бўлиб, яшнаб, дарахт шохидаги арғимчоқда ўтираверибди, худди тошбошли балиқчага ўхшар эмиш, карась балиғи бор-ку, у ҳам мана шунақанги оқиш, кумушрангда бўлади... Дурадгор Гаврила эсини йўқотиб, анқайиб қотиб қолибди, сув париси эса қаҳ-қаҳ уриб кулар, уни қўли билан имлаб чақирар эмиш. Гаврила ўрнидан туриб, сув парисининг олдига бораётганида-чи, оғайнилар, худо унга ақл киргизибди: чўқиниб олибди... Оғайнилар, у не машаққатлар билан чўқиниб олибди, қўлим тошдай қотиб, асти қовушмай қолди, дебди... Эҳ, гапини қара-я! У чўқинган замон сув париси кулгидан тўхтаб, юм-юм йиғлай бошлабди... Йиғлаб-йиғлаб, кўз ёшларини сочи билан артар эмиш, унинг сочлари эса сен эккан нашанинг баргидай яшил эмиш. Гаврила унга қараб туриб-туриб: «Нега йиғлаяпсан, сеҳргар гўзал?»—деб сўрабди. Сув париси ўшқириб жавоб қайтарибди: «Чўқинмасанг бўлар эди. Эй, одамзод, умрингнинг охиригача мен билан айш-ишрат қилиб ўтганинг яхши эмасмиди; йиғлашимга, қайғу-аламларимга сенинг чўқинганинг сабабчи бўлди; шу қилмишинг учун сен ҳам то ўлгунингча қайғу ва аламлардан чиқма-

гин»,— дебди. Сув париси шу гапларни айтибди-ю, оғайнилар, бирдан йўқолиб қолибди. Гаврила эса шу замониёқ ўрмондан қай йўл билан чиқиб кетишини билиб олибди.. Ана шу вақтдан бери у ҳаммавақт хафаҳол бўлиб юради.

— Уни қара-я!— деб юборди Федя бир оз жимликдан кейин.— Бундай ўрмон ажинаси христиан қалбини қандай қилиб шикастлай олар экан, ахир, у унинг гапига кирмади-ку?

— Ишонмайди-я,— деди Костя.— Сув париси чўл бақасига ўхшаб ингичка, мунгли товуш чиқаради, деб Гавриланинг ўзи ҳам айтибди.

— Буни отангнинг ўзи айтиб бердими?— деб саволини давом эттирди Федя.

— Ўзи. Мен сўрида ётиб, ҳамма гапини эшитиб олдим.

— Жуда ғалати-я. Гаврила хафа бўлиб нима қилади?.. Сув париси уни ёқтириб қолган бўлса керак, шунинг учун уни олдига чақирган.

— Ҳа, ёқтириб қолган!— деб тасдиқлади Илюша.— Бўлмасам-чи! Сув париси уни қитиқламоқчи бўлган, қитиқлашни хоҳлаган. Бу уларнинг — ўша сув париларининг қиладиган иши.

— Сув парилари бу ерда ҳам бўлиши керак,— деди Федя.

— Йўқ,— деди Костя.— Бу ер очиқ яланглик, бу жойда бўлмайди. Фақат дарё яқинроқ, холос.

Ҳамма жим бўлди. Шу пайт бирданига узоқ бир жойдан жаранглаб, худди инграгандай чўзиқ товуш келди, бу — баъзан жимжит кечаларда пайдо бўлиб, салмоқ билан кучайиб, осмонни янгратиб, кейин секин пасайиб эшитилмай қоладиган сирли товушлардан бири эди. Қулоқ солсанг, ҳаммаёқ жимжитдек туюлади, лекин аллақандай товуш осмонни янгратиб туради. Гўё, осмоннинг ерга туташган жойида аллаким узоқ вақт қичқиргандай, бошқа бир киши ўрмон ичида туриб чийилдоқ овоз билан

қахқақа уриб унга жавоб қайтаргандай кўринарди. Шу пайтда дарё юзидан вишиллаган хуштак овози келди. Болалар сесканиб, бир-бирларига қараб олдилар...

— Ё пирим!— деб пичирлаб қўйди Илья.

— Эҳ, сиз, анқовлар-ей!— деб қичқирди Павел.— Нега ҳовлиқиб қолдиларинг. Буни кўринглар, картошка пишибди. (Болаларнинг ҳаммалари қозонча ёнига ўтириб ҳовури чиқиб турган картошкани ея бошладилар; фақат Ванягина ўз жойидан қимирламади.)— Келмайсанми?— деди унга Павел.

Аммо у ўзининг чиптаси тагидан чиқмади. Болалар қозончадаги картошкани тезда битта қўймай едилар.

— Болалар,— деб бошлади Илюша,— бизнинг Варнавицада яқинда бўлиб ўтган гапдан хабарларинг борми?

— Тўғондаги воқеами?— деб сўради Федя.

— Ҳа, ҳа, сув уриб кетган тўғондаги воқеани. Ажинаси кўп ва ўтакетган хилват жой мана шу тўғон. Унинг бутун теварагини чуқур жарлар ўраб олган, жарларда ҳар хил илонлар тўлиб ётибди.

— Қани, нима воқеа бўлган эди? Айт...

— Мана бундай воқеа бўлди. Федя, сен Варнавицада сувга чўккан кишининг гўри борлигини билмасанг керак; у одам бундан анча вақтлар илгари, яъни ҳовуз жуда чуқур вақтида чўкиб кетган эди; ҳозир унинг гўригина бор, гўрнинг ўзи ҳам кичрайиб, билинар-билинимас тепача бўлиб қолган... Яқинда приказчик итбоқар Ермилни чақириб: Ермил, почтага бориб кел,— дебди. Бизда почтага ҳаммавақт Ермил боради; унинг ҳамма итлари ўлди: нимагадир унинг итлари яшамайди, ишқилиб, ҳеч қачон яшамайди, Ермилнинг ўзи эса яхши итбоқар, ҳаммага ёқади. Ана шу Ермил почтага борган-у, шаҳарда узоқроқ юриб қолган, қайтиб келаётганида маст экан. Ойдин кеча, ҳаммаёқни ой ёритиб тураркан... Ермил тўғон орқали ўтиб келган: унга шу жойдан юришга тўғри келиб қолган. Итбоқар Ермил

шундай келаётиб, сувга чўккан одамнинг гўри устида оппоққина, чиройликкина бир барра қўзичоқни кўрган. Ермил ичида: қўзичоқни олиб кета қолай, мен олмасам ҳам бари бир нобуд бўлади, деб ўйлабди ва отидан тушиб, қўзичоқни қўлига олибди... Қўзичоқ эса ювошгина тураверибди. Ермил отининг олдига борса, оти кўзларини чақчайтириб орқага тисланибди, кишнаб, бошини силкитибди; лекин Ермил отни силаб-сийпаб тинчлантирибди-да, миниб олибди, қўзичоқни олдига қўйиб, яна йўлга тушибди. Қўзичоққа бундай бир қараса, қўзичоқ ҳам бақрайиб, унинг кўзига тикилиб қараб турган эмиш. Итбоқар Ермил кўрқиб кетибди; қўйларнинг одам кўзига бундай тикилиб қараганини сира ҳам кўрмовдим, деб ўйлабди. Ермил «Барра қўзи, барра қўзи!» деб унинг юнгларини силаса, қўй ҳам бирдан, тишининг оқини кўрсатиб: «Барра қўзи, барра қўзи»,— деяр эмиш...

Ҳикоячининг сўзи шу жойга етар-етмас тўсатдан иккала ит бараварига ўрнидан турди-да, қаттиқ вовуллаб гулхан олдидан чопиб кетиб, қоронғилик ичида кўздан ғойиб бўлди. Болалар кўрқиб кетишди. Ваня ёпиниб ётган чиптаси тагидан сакраб чиқди. Павлуша қичқирганича итлар орқасидан чопди. Итларнинг вовуллаган товуши тезда йироқлашди... Подадаги ҳурккан отларнинг безовталаниб ҳар томонга тартибсиз чопа бошлагани эшитилди. Павлуша: «Серий Жучка!»— деб қаттиқ қичқирди. Бир оздан кейин итларнинг вовуллаши тўхтади; Павелнинг овози узоқлардан эшитилди... Яна бир оз вақт ўтди; болалар нима бўларкин деб, ҳайронлик билан бир-бирларига қарардилар... Бирдан чопиб келаётган отнинг туёқ товуши эшитилди; у тарақа-тарақ қилиб чопиб келиб гулханнинг олдигинасида тўхтади ва унинг ёлидан маҳкам ушлаб олган Павлуша ирғиб пастга тушди. Итларнинг иккаласи ҳам гулхан ёнига чопиб келди-да, қип-қизил тилларини осилтириб ўтирди.

— Нима гап? Нима бўлибди?— деб сўрашди болалар.

— Ҳеч гап йўқ,— деди Павел,— отга қўл силтаб,— итлар бир нарсанинг шарпасини сезган. Мен бўри келган бўлса керак, деб ўйлаган эдим,— деб қўшиб қўйди у, хотиржамлик билан тез-тез нафас ола туриб.

Мен Павлушага ихтиёрсиз равишда қизиқиб қараб қолдим. Шу пайтда у жуда ёқимли эди. Оғни тез чоптириб келгани учун тетикланиб, қизариб кетган хунук юзида жасурона мардлик ва зўр қатъият кўриниб турарди. Шундай қоронғи кечада қўлига кичкина чўп ҳам олмай, ҳеч бир иккиланмай якка ўзи бўри қувлаб кетди... «Қандай баҳодир бола-я!»— деб ўйладим унга қараб туриб.

— Бўри-мўрини ҳеч кўрганмисизлар?— деб сўради қўрқоқ Костя.

— Бўри бу ерда ҳаммавақт кўп бўлади,— деб жавоб қайтарди Павел.— Лекин улар қишдагина безовта қилади.

У яна гулхан олдига ёнбошлаб ётди. Ерга ўтираётиб, итлардан бирининг пахмоқ юнгли орқасига қўлини қўйди, бунга хурсанд бўлган ит Павлушага мағрурона эркалик қилиб, кўз қири билан қараб, тек турди.

Ваня яна чипта тагига кириб, ётиб олди.

— Илюша, сен бизга жуда кўрқинчли нарсаларни айтдинг-да,— деди бой деҳқоннинг ўғли бўлганлиги учун гапни биринчи бўлиб бошлаб берадиган Федя (ўзи эса, орият қилгандай бўлиб, жуда кам гапирарди).— Ундан кейин, итлар ҳам бир ёмон нарсани сезиб вовуллаб юборди... Ҳа, сизларнинг у жойингизда ажиналар борлигини эшитганман.

— Варнавицами?.. Бўлмаса-чи! Жуда ёмон жой! У ерда ўлиб кетган қари бариннинг юрганини одамлар бир неча марта кўрган эмишлар. У кенг чакмон кийиб юрар эмиш ва оқ тортиб, ердан алланарсани ахтарармиш. Бир куни уни Трофимович ота кўриб қолиб: «Бой бобо, Иван Иванович, ердан нималарни излаб юрибсан?»— деб сўрабди.



— Трофимич ота ундан сўрабдими?— деб Илюшанинг сўзини бўлди ажабланган Федя.

— Ҳа, сўрабди.

— Трофимичга баракалла.. Хўш, у нима дебди?

— Очқич-гиёҳ<sup>1</sup> излаяпман,— дебди.— Очқич-гиёҳ,— деб жуда секин айтибди,— Бой бобо, Иван Иванович, очқич-гиёҳни нима қиласан?— деса,— гўр мени жуда қисяпти, Трофимич, мен ташқарига чиқмоқчиман, ташқарига...— дебди у.

— Уни қара-я!— деди Федя.— Афтидан, дунёда кам яшаган экан.

— Вой товба-ей!— деди Костя.— Мен ўлган кишилар арвоҳларга чироқ ёқиладиган шанба кунларигина кўринади, деб ўйлаб юрардим.

— Ўлганларнинг арвоҳларини ҳар вақт кўриш мумкин,— деди ишонч билан Илюша (болаларнинг суҳбатларидан пайқашимча, қишлоқдаги хурфот ва афсоналарни Илюша бошқалардан кўра яхшироқ биларди...). Аммо, арвоҳ йўқланадиган шанба кунлари тирикларни, яъни шу йили ўлиш навбати келган кишиларни ҳам кўра оласан. Кечаси бутхонанинг эшиги олдида кўчага қараб ўтирсанг бўлгани, кўраверасан. Уша йили ўладиган одамлар ёнингдан битта-битта ўтиб кетаверади. Мана, ўтган йили Ульяна буви бутхона эшиги олдида бир неча марта чиқиб ўтирган экан.

— Хўш, у ҳеч кимни кўрибдими?— деб сўради қизиқиб кетган Костя.

— Ҳа, албатта. Авваллари у ҳеч нарса кўрмабди ва ҳеч нарсанинг шарпасини сезмабди. Фақат аллақердан итнинг акиллаган товушигина эшитилибди, холос... Бирдан кўзига: йўлдан кўйлакчан бир бола келаётгани кўриниб-

---

<sup>1</sup> Очқич-гиёҳ — халқ афсоналарида қулф ва тамбаларни очиб юборадиган ўсимлик.

ди. Тикилиб қараса, келаётган бола Ивашка Федосеев эмиш...

— Баҳорда ўлиб кетган Ивашками?— деб гапни бўлди Федя.

— Ушанинг ўзгинаси. Юриб келаётган эмиш-у, бошини кўтармас эмиш... Лекин Ульяна уни танибди... Кейин яна қараса, бир хотин келаётган эмиш... Унга яхши тикилиб қараса, худоё товба қилдим! Келаётган хотин Ульянанинг ўзгинаси эмиш.

— Рости билан-а?— сўради Федя.

— Азбаройи худо, ўзи.

— Хўш, аммо у ҳали ўлгани йўқ-ку?

— Ҳали бир йил ўтгани йўқ-да. Сен унинг афтига бир қараб кўр: ранг-рўйи бир аҳволда, зўрға қилтиллаб юрибди.

Болалар яна жим бўлишди. Павел бир тутам майда қуруқ шохни ўтга ташлади. Ўт бирданига аланга олди, унга ташланган шох қорайиб, чирсиллаб тутаб ёна бошлади ва ўтда ёниб бўлган учлари гажак бўлиб юқорига кўтарилди. Гулхандаги ўтнинг шуъласи ҳар томонга, айниқса юқорига липиллаб уриб турарди. Шу пайтда аллақаердан оқ каптар учиб келди-да, ўзини тўппа-тўғри ана шу ёруғлик қучоғига урди ва чиройли товланиб, бир жойда ҳуркибгина айланиб турди-да, қанотларини париллатиб, кўздан ғойиб бўлди.

— Шерикларидан орқада қолиб, уясини тополмай юрганга ўхшайди,— деди Павел.— Энди бирор нарсага дуч келиб қолгунча учиб юраверади: агар бирор нарсага дуч келиб қолса, эрта тонггача ўша ерда ухлайди...

— Павлуша,— деди Костя,— бу каптар бирор азиз кишининг арвоғи эмасмикин? А?

Павел оловга яна шох ташлади ва бирмунча вақт жим тургандан кейин:

— Балки шундайдир,— деб қўйди.

— Павлуша, сизнинг Шаломовда ҳам осмон каромати<sup>1</sup> кўринганми? Айтиб берсанг-чи,— деди Федя.

— Қуёш кўринмай қолдимиз, деяпсанми? Ҳа, албатта.

— Сизлар ҳам жуда қўрққандирсизлар-а?

— Биргина биз қўрққанимиз йўқ. Бизнинг баринимиз, каромат кўрасизлар, деб юрган бўлса ҳам, кейин ўзи шундай қўрқибдики, асти қўяверасан. Баринникидаги ошпаз хотин эса қуёш қорая бошлаганда учи айри темир косов билан печкадаги кўза ва хурмачаларни уриб синдириб ташлабди: «Қиёмат бўлди, энди ҳеч ким овқат емайди...»— дебди. Шундай қилиб карам шўрва тўкилиб кетибди. Бизнинг қишлоқда эса, энди ер юзида оқ бўрилар тўлиб кетиб, ҳамма одамларни бир бурдадан қилиб еб қўяр эмиш, йиртқич катта бир қуш пайдо бўлар эмиш, ҳатто Тришка<sup>2</sup>нинг ўзи ҳам кўринар эмиш,— деган мишмиш гаплар тарқалди.

— Тришка деганинг нима ўзи?— деб сўради Костя.

— Сен ҳали билмайсанми?— деб қизишиб кетди Илюша.— Э, оғайни, ўзинг қаердансан? Тришкани билмайсан-а? Сизларнинг қишлоқ одамлари ҳеч қаёққа чиқмасдан, уйларида ўтиравериб, дунёдаги гаплардан хабарлари ҳам йўқ экан-да. Тришка шундай бир ғалати одамки, бу одам шундай ғалати бўлиб келадикки, уни ушлаб ҳам бўлмайди, ҳеч нарса қилиб ҳам бўлмайди: у мана шунақа ғалати одам бўлади. Агар борди-ю, масалан, деҳқонлар ушлаб олмоқчи бўлиб таёқ билан олдига чиқиб, теварагини ўраб олсалар, у уларнинг кўзини шундай шамғалат қиладики, уларни шундай алдаб қўядики, бир маҳал қарасанг, ўзлари бир-бирларини дўппослашга тушиб кетади-

---

<sup>1</sup> Бизда деҳқонлар қуёш тутилишини шундай деб аташади. (авторнинг изоҳи).

<sup>2</sup> «Тришка» тўғрисидаги прим-чирим (эътиқод) даяскол ҳақидаги афсонага асосланган бўлса керак. (Авторнинг изоҳи).

лар. Агар уни, масалан, турмага қамаб қўйишса, у ичиш учун чўмичда сув келтиришни сўрайди: унга чўмичда сув келтириб беришади, у эса чўмичнинг ичига шўнғиб кириб кетади-да, ғойиб бўлади. Уни занжирлар билан боғлаб қўйишса, у қўлини бир силкитиб, занжирларни узиб ташлайди. Шундай қилиб, бу Тришка қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кезиб юради: иннайкейин бу Тришка, айёр киши, хрестянларни алдаб юради... аммо уни ҳеч нарса қилиб бўлмайди... У ана шунақанги ғалати, муғамбир одам.

— Ҳа, шундай,— деб давом этди Павел салмоқдор товуши билан.— Шунақа. Қишлоғимизда одамлар ана шу Тришканинг пайдо бўлишини кутадилар. Кексалар, каромат бошланиши биланоқ Тришка пайдо бўлар эмиш, дейишарди. Ана, каромат бошланди ҳам. Ҳамма одамлар кўчага, далага чиқиб, нима бўлишини кутиб турди. Қишлоғимизнинг ҳаммаёғи кўриниб турадиган яланг жойлиги ўзларингга маълум. Одамлар қараб туришса, Слободка тарафдаги тепаликдан аллақандай ғалати бир киши келяпти, боши жуда ажойиб; ҳамма бирданига: «Вой, Тришка келяпти! Вой, ана Тришка келяпти!»— деб ваҳима билан бақириб, ҳар томонга дув-дув қоча бошлади. Қишлоқ оқсоқолимиз ўзини зовурга ташлади; унинг хотини эса эшикка қисилиб, овозининг бориचा қичқирди, итини бирам қўрқитиб юбордики, кайфи учиб кетган ит занжирини узиб, четандан сакраб ўтиб, ўрмонга қочди; Кузьманинг отаси Дорофеич эса югурганича пичан устига чиқиб олиб: «Бу жаллод лоақал паррандага раҳм қилса керак, ахир»,— деб бақира бошлади. Ҳамма ана шундай қий-чув солиб, кўрқиб кетди!.. Қарасак, бу келаётган киши ўзимизнинг бочкасоз уста Вавила экан: у, янги ёғоч челақ сотиб олиб, бошига кийиб келаётган экан.

Ҳамма болалар бирдан кулиб юборишди ва яланглик жойда гаплашиб ўтирган одамлар ўртасида кўп учрагани

сингари, яна бир лаҳза жим бўлишди. Мен теварак-атрофни томоша қилдим; ҳашаматли ва маъсум кеча: кечки оқшомдаги салқин ҳавонинг ўрнини ярим кечанинг намсия илиқ ҳавоси олган эди ва у ҳали сокин далаларнинг устини узоқ вақтгача юмшоқ парда сингари қоплаб туриши керак эди; дарахтларнинг эрталабки биринчи шитирлашларига, шалдир-шулдир ва ғир-ғир қилиб эшитиладиган биринчи майин товушларга, эрта тонгнинг биринчи шабнамга ҳали кўп вақт бор эди. Осмонда ой йўқ — ўша маҳалда кеч чиқар эди. Сон-саноқсиз олтин юлдузлар йилтиллаб Сомон Йўли тарафга астагина оқиб бораётгандай кўринарди; уларга қараб турсангиз, назарингизда ер ҳеч тўхтамай тез югуриб кетаётгандай туюларди... Тўсатдан дарё томондан икки марта ғалати, кескин инграган товуш эшитилди, бир неча секунддан кейин бу товуш нарироқда такрорланди...

Костя қўрқиб кетди... «Бу нима?»— деди.

— Бу, қарқаранинг овози,— деди Павел осойишталик билан.

— Қарқара,— деб такрорлади Костя...— Мен кеча бир товуш эшитдим,— деб давом этди у, бир оз жим тургандан сўнг,— балки сен, Павлуша, ниманинг товуши эканини биларсан...

— Мана бундай товуш эшитдим. Мен Каменная Гряддан Шашкинога бораётган эдим, олдин ёнғоқзордан юриб бордим, кейин ўтлоқ билан жарнинг тикка бурилган жойдан юриб бордим, у ерда сел сувлари йиғилиб қолган кўлча бор; биласанми, бу жой ҳали ҳам қамишзор бўлиб ётибди: мен қамишлар ўсиб ётган ана шу чуқурлик ёнидан ўтиб кетаётган эдим, бирдан шу чуқурлик ичидан аллакимнинг: «у-у... у-у... у-у!»— деб қаттиқ инграб йиғлаган товушини эшитдим. Оғайнилар, қўрққанимдан юрагим «шув!» этиб кетди, чунки вақт жуда кеч ва бунинг устига бу товуш ҳаддан ташқари мунгли эди. Ўрнимда бўлга-

нингда, балки ўзинг ҳам йиғлаб юборар эдинг... Бу нима экан-а?

— Утган йили шу қамишзордаги кўлга ўғрилар ўрмон қоровули Акимни чўктириб юборган эдилар,— деди Павлуша,— эҳтимол, ўшанинг арвоқи йиғлаётган бўлса...

— Шундайми ҳали, оғайнилар,— деди Костя, ўзининг шокоса кўзларини янада каттароқ очиб...— Акимни у чуқурликка чўктириб юборганларини билмасдим-да, агар билсам, унчалик қўрқмаган бўлар эдим.

— Яна,— деб сўзида давом этди Павел,— ана шундай мунгли товуш билан қуриллайдиган майда қурбақачалар ҳам бўлади, дейишади.

— Қурбақачалар? Йўғ-ей, бу қурбақа эмас... бу қандай қилиб... (Қарқаранинг дарё томондан қичқирган товуши яна келди). Уни қара-я!— деб юборди Костя бейхтиёр суратда.— Худди алвастига ўхшаб қичқиради-я.

— Алвасти қичқирмайди, у соқов,— деди Илюша,— у қарсак чалади, холос.

— Сен алвастини кўрганмисан ўзинг?— масхара қилгандек унинг сўзини бўлди Федя.

— Йўқ, кўрган эмасман, худо уни кўргулик қилмасин; аммо уни бошқалар кўрган. Мана, яқинда у бир деҳқонни довдиратибди: уни ўрмоннинг бир яланглик ўтлоғи атрофида айлантриб олиб юраверибди... Деҳқон уйига тонг пайтида зўрға келибди.

— Хўш, у алвастини кўрибдими?

— Кўрибди. «Жуда ҳам катта, қол-қора нарса экан. Худди дарахт орқасига бекингандай ўраниб олибди. Ўзини яхши кўриб бўлмайди, худди ойдан яширингандай туради, кичкина кўзчалари билан қараб-қараб қўяди, кўзчаларини пирпиратади...», дейди.

— Ҳе, башараси қурсин!— деди Федя, сал сесканиб ва елкаларини учириб.

— Бу ярамас нарса ҳақиқатан ҳам нима учун дунёга келди экан?— деди Павел.

— Сўкма, эҳтиёт бўл, эшитиб қолади,— деди Илья.

Яна жимлик бошланди.

Шу пайтда Ваня:

— Болалар, уни қаранглар, уни қаранглар,— деб шовқин солди.— Уни қаранглар, осмондаги юлдузчаларга қаранглар, худди ари галасига ўхшайди!

У ўзининг тиниқ юзини чипта остидан чиқариб, муштира тиралди-да, ҳаракатсиз катта кўзлари билан аста юқорига қаради. Ҳамма болалар осмонга қарадилар ва узоқ тикилиб турдилар.

— Ҳа, Ваня,— деди эркалатувчи овоз билан Федя,— опанг Анютка соғ-саломатми, яхшими?

— Яхши,— деди Ваня чучук тили билан.

— Сен ундан сўра, у нима учун бизникига келмаяпти?

— Билмайман.

— Унга айт, келиб-кетиб турсин.

— Айтаман.

— Яна айт, мен унга қанду қурслар бераман.

— Менга ҳам берасанми?

— Сенга ҳам бераман.

Ваня эшитиларли қилиб чуқур хўрсинди.

— Йўқ, менга керак эмас. Унга бера қол, опам жуда яхши, меҳрибон қиз.

Шу сўзларни айтгандан кейин, Ваня бошини яна ерга қўйди. Павел ўрнидан туриб, бўш қозончани қўлига олди.

— Қаерга кетяпсан?— деб сўради Федя.

— Дарёдан сув олиб келмоқчиман, чанқадим.

Итлар ўринларидан туриб, унинг орқасидан кетишди.

— Эҳтиёт бўл, дарёга йиқилиб кетмагин!— деб қичқирди Илюша унинг орқасидан.

— Нега йиқиларкан?— деди Федя.— У эҳтиёт бўлади.

— Эҳтиёт бўлади, дейсан-да. Ҳар қандай ишлар бўли-

ши мумкин: у сув олиш учун энгашса, дарёдан сув одами чиқиб уни сувга тортиб кетади. Ундан кейин кишилар болагина дарёга йиқилиб чўкиб ўлган эмиш,— деб юришадди... Йиқилмайди, дейсанми? Ана-ана, қамиш ичига кириб кетди,— деди у қулоқ солиб туриб.

Қамишларнинг ораси очилгандай бўлиб, шитирлай бошлади.

— Тентак Акулина сув тагига тушиб чиққандан бери жинни бўлиб қолган, дейишади, ростми?— деб сўради Костя.

— Сув тагига тушиб чиққандан бери... Ҳозир бир ҳолатда-я! Аммо илгари жуда чиройли бўлган экан. Сув одами уни ақлдан оздириб қўйган, дейишади. Афтидан, у тезда қутқариб олинишини кутмаган экан. Ана шундай қилиб, сув одами уни сув тагида жинни қилиб қўйган.

(Бу Акулинани мен ўзим бир неча марта кўрган эдим. Жулдур кийимли, ҳаддан ташқари озгин, кўмирдай қора — саҳтиён юзли бу хотин доим тишларини иржайтирганича атрофга маъносиз қараб, чўпдек ингичка қўлларини кўкрагига маҳкам босиб, гоҳ бир оёғини ва гоҳ иккинчи оёғини ерга қўйиб, йўл устида, бир жойда неча соатларгача худди темир қафасдаги ваҳший ҳайвондек лапанглаб турарди. У ҳеч бир гапни англамайди, баъзан титраб-қақшаб хаҳолаб кулади, холос).

— Акулина,— деб сўзини давом эттирди Костя,— севгани алдагани учун ўзини сувга ташлаган эмиш.

— Худди шунинг учун.

— Вася эсингдами?— деб хафалик билан сўради Костя.

— Қайси Вася?— деди Федя.

— Мана шу дарёга чўкиб кетган Вася-чи, ўша,— деб жавоб қайтарди Костя.— Қандай яхши бола эди-я! Эсизгина, қандай аломат бола эди-я! Онаси Феклиста уни — Васяни жуда яхши кўрарди. Феклиста унинг сувга чўкиб ўлиб кетишини худди олдиндан сезиб юргандай бўларди.



Вася ёзда биз билан, болалар билан бирга чўмилгани дарёга кетаётган пайтларда, онаси типирчилай бошларди. Бошқа хотинлар ҳеч нарса демай, кир тоғораларини кўтариб ёнимиздан ўтиб кетаверардилар. Феклиста эса тоғорасини ерга қўйиб: «Қайт, буёққа, қайт, борма, қўзичоғим! Ҳой, қайтсанг-чи, болагинам!»— деб уни чақира бошларди... Унинг дарёга қандай чўкиб кетганини ҳеч ким билмайди. У дарё қирғоғида ўйнаб юрарди, онаси ҳам ёнгинасида туриб пичан боғларини тахларди, шу вақт онасига бирдан аллакимнинг сувни шалолатиб, оғзидан варақлатиб кўпиклар сочгани эшитилиб қолади, қараса — сув юзида Васянинг шапкаси оқиб юрган эмиш. Феклиста ана шунда ақлдан озиб қолган: қачон қарасанг, у Вася сувга чўккан жойга келиб ётади-да, ашула айтади, эсларингдами, Вася ҳаммавақт бир ашулани айтар эди-ку, у ўша ашулани айтиб йиғлайди, ўксиб-ўксиб йиғлайди.

— Ана, Павлуша келяпти,— деди Федя.

Павел қозончада лиқ тўла сув кўтариб гулхан олдига келди.

— Болалар, биласизларми,— деб сўз бошлади у, бир оз жим тургандан кейин,— иш ёмон.

— Ҳа, нима гап?— шошиб сўради Костя.

— Мен Васянинг овозини эшитдим.

Ҳамма болалар титраб кетдилар.

— Нима дединг, нима дединг? Ростини билан-а?— деди Костя довдираб.

— Худо урсин, рост. Сувга энди энгашаётган эдимки, бирдан Васянинг овозига ўхшаган бир овоз: «Павлуша, ҳой Павлушажон, буёққа кел»,— деб мени чақирди, овози худди дарёнинг тагидан эшитилгандай бўлди. Мен шошиланганимча қозончага сув олиб, дарё лабидан йироқлашдим.

— Эй худо-е, эй худо-е!— деб юборишди болалар, чўқиниб туриб.

— Павел, ундай бўлса, сени сув одами чақирибди,—

**деди Федя.**— Ҳозиргина биз Вася тўғрисида гаплашиб турган эдик.

— **Оббо...** бу ёмон нарсанинг аломати-ку,— деди Илюша ўрнидан бир қўзғалиб қўйиб.

— Хайр, қўявер, ҳечқиси йўқ!— деди Павел қатъий қилиб ва яна ўтирди.— Пешонада ёзилганини кўрмай илож йўқ.

Болалар чурқ этмай қолдилар. Павелнинг сўзидан қаттиқ таъсирланганлари кўриниб турарди. Улар ухламоқчи бўлгандек гулхан ёнига жой тўғрилай бошладилар.

— Бу нима?— деб сўради тўсатдан Костя, бошини сал кўтариб.

Павел қулоқ солди.

— Бу, чийиллаб учиб кетаётган лойхўракларнинг товуши.

— Улар қаёққа учиб кетишяпти?

— Қиш бўлмайдиган тарафларга.

— Қиш бўлмайдиган жойлар ҳам борми?

— Бор.

— Узоқдами?

— Жуда узоқда, иссиқ денгизлар орқасида.

Костя чуқур нафас олди-да, кўзларини юмиб, ухлаб қолди.

Болаларнинг ёнига келиб ўтирганимга уч соатлардан ортиқ бўлган эди. Ниҳоят, ой ҳам чиқди; мен унинг чиққанини дарров пайқамадим, чунки у жуда кичкина ва нафис эди. Бу ойсиз кеча ҳам худди аввалгидек ҳашаматли кўринарди... Аммо бундан бир оз вақт илгари баланд осмонда турган кўпгина юлдузлар энди ернинг қорайиб кўринган четларига энган эдилар; ҳамма нарса одатда фақат тонготар пайтдагина жимлик қучоғига киргандек, бутун теварак-атроф жимжит эди; ҳамма нарса тонг пайтидаги қаттиқ ширин уйқуда ором олмоқда эди. Ҳавонинг ҳиди энди унча ёқимли эмасди, ҳаво яна салқинлашгандай

бўлди... Ёз кечалари калта!.. Гулхан сўна бошлаган сари болаларнинг товушлари ҳам аста-секин тина бошлади... Ҳатто итлар ҳам мудрардилар; юлдузлардан тушиб турган сарғиш кучсиз ёғдулар ичида отларнинг бошларини солиштириб ётганлари аранг кўринарди... Кўзимни сал уйқу олди, кейин мени мудроқ босди.

Салқин шабада юзимни силаб ўтди. Кўзимни очсам, тонг ота бошлаган экан. Ҳали тонгги қизиллик бўлмаса ҳам, шарқ томон оқаришиб қолган эди: гарчи хирароқ кўринса ҳам, ҳарқолда ҳаммаёқ кўринарли бўлиб қолди. Оқиш-кулранг осмон тобора ёришиб, оқариб, мовий тусга кирмоқда эди; юлдузлар милтиллаб ёниб-ўчиб турарди, ерлар намланганди, баргларда майда шабнам доналари тизилиб ётарди; унда-бунда қаттиқ товушлар, овозлар эшитила бошлади: эрталабки майин шабада ер устида эркаланиб сайр қилмоқда эди. Баданларим бу шабадага ёқимли, енгил қалтираш билан жавоб қайтарди. Мен сапчиб ўрнимдан туриб, болалар олдига бордим. Улар тутаб ёниб турган гулхан теварагида қаттиқ ухлаб ётардилар; фақатгина Павел уйғонди-да, бир оз кўтарилиб, менга тикилиб қараб турди.

Мен бош қимирлатиб, «хайр» деган ишорани қилдим ва ҳовури чиқиб турган дарё бўйлаб ўз йўлимга жўнадим. Икки чақиримча юрмасимданоқ теварагимдаги кенг нам ўтлоққа, олд томонидagi яшил тепаликларга, қатор кетган ўрмонларга, орқа тарафимдаги узун чанг йўлга, йилтиллаган қизил буталарга, сийраклашаётган туман остидан уялиб қараб турувчи дарёга кучли, иссиқ ёруғликнинг аввал оч-қизил, кейин қизил рангдаги заррин тўлқинлари қуйила бошлаган эди... Ҳамма нарса тебраниб кетди, бирдан уйғонди, куйлаб юборди, шовқин кўтарди, тилга кирди. Ҳаммаёқда йирик шудринг доналари қизғиш тусда олмосдай ялтираб турарди; рўпарамдаги бутхона қўнғироғининг товуши, худди эрталабки салқин ҳаводан нафас олиб

яйрагандай, аниқ ва равшан эшитилди, шу онда тўсатдан менга таниш болалар дам олган йилқиларини ҳайдаб, ёнимдан от чоптириб ўтиб кетдилар...

Афсуски, Павелнинг ўша йили ўлганини ҳикоя охирида айтиб ўтмоғим лозим бўлади. У сувга чўкиб эмас, отдан йиқилиб ўлибди. Эсизгина, кўп яхши бола эди!

*1851 йил*



## **МУНДАРИЖА**

<b>МУМУ. ИЪЛДОШ ШАМШАРОВ ТАРЖИМАСИ</b>	<b>3</b>
<b>БЕККИН УТЛОҒИ. МАДАМИН ИБРОҒИМОВ ТАРЖИМАСИ . . . . .</b>	<b>47</b>

**Тургенев И. С.**  
**Т 88** Муму: (Ўрта мактаб ёшидаги болалар учун).—  
Т.: Ёш гвардия, 1985—

Иван Сергеевич Тургенев — буюк сўз устаси. У — табиат манзараларини, ҳодисаларини, инсон қалби ва табиатини моҳирона тасвирлайди.

«Муму» — сиз, азиз ўқувчиларнинг севимли китобингизга айланиб қолган. Унда ёзувчи соқов хизматкор Герасимнинг Мумута бўлган меҳрини, бой хотиннинг буйруғи билан кучукни сувга қўқиртач, шу хонадондан ўз қишлоғига жўнаб кетганини усталик билан тасвирлаган. Китобдан «Бежин ўтлоғи» ҳам ўрин олган.

**Тургенев И. С. Муму.**

№ 228—84

А. Навоий номли ЎзССР  
давлат кутубхонаси.

Т 4803010101—6 116—85  
356 [04]—85

84Р1

**Для детей среднего школьного возраста**

**На узбекском языке**

**ИВАН СЕРГЕЕВИЧ ТУРГЕНЕВ**

**МУМУ**

**Редактор С. Сайдалиева**

**Рассом В. Гриднев**

**Расмлар редактори Ҳ. Раҳматуллаев**

**Техн. редактор Н. Мирзаева**

**Корректор М. Набиева**

**ИБ № 1660**

Теришга берилди 22.08.84. Воснишга ружсат этилди 18.12.84.  
Формати 70X108<sup>1/32</sup>. 1-босма қоғозга «Литературная» гар-  
нитурода юқори босма усулида босилди. Босма листи 2,5.  
Шартли босма листи 3,50. Шартли кр.-отт. 3,85. Нашр листи  
3,18. Тиражи 45000. Буюртма № 4504. Ваҳоси 10 т. Шартнома  
63—84.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» наш-  
риёти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат  
Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси, ГСП, Тошкент, «Правда  
Востока», 26.